

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

**Примов Муроджон Ўрол ўғлининг**

**“5230100-иқтисодиёт” таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат ресурсларини бошқариш тизими ва уни такомиллаштириш йўналишлари (Худуд меҳнат бозори мисолида)” мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:                   “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчisi**

**Мамажанова С.В.**

**Гулистон-2017**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Инсоннинг энг асосий иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларидан бири, ўзи ва оиласи эҳтиёжларини қондириш, қобилиятини намоён қилиш, ўй-мақсадларига эришиш воситаси меҳнат қилишдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг бу ҳуқуқи кафолатлаб қўйилган: “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлаш ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу аҳоли сони ўсишининг нисбатан юқорилиги, қатор худудларда аҳоли зич жойлашганлиги, мавжуд меҳнат ресурслари меҳнат бозоридаги талабдан зиёдалиги, улар таркибида ёшлар салмоғининг катталиги ва бошқа омиллар билан изоҳланади. Шунинг учун меҳнат бозорини шакллантириш, уни тартибга солиш ва бошқариш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш, ишсизликни камайтириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишнинг энг муҳим ва долзарб масаласи ҳисобланади.

Ўзбекистонда аҳолининг 60 фоизга яқинини меҳнат ресурслари ташкил этади. Меҳнат ресурслари жисмоний ва ақлий қобилиятга эга бўлиб, меҳнат жараёнида моддий неъматлар ва хизматларни яратадилар. Меҳнат ресурслари таркибига киритилган ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмаётган нофаол аҳоли эса меҳнат захираларини ташкил этади. Чунки вақти келиб улар ҳам иқтисодий фаол аҳоли таркибига қўшилишлари мумкин.

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш даражасини муттасил ошириб бориш ҳар қандай давлат иқтисодий сиёсатида алоҳида ўрин тутади. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Иш билан бандлик соҳасидаги глобал тенденциялар – 2009” маъruzасида кейинги ўн йил давомида жаҳон миқёсида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2008. -9 б.

мехнат унумдорлиги 26,0 % га ошгани ҳолда ишлаётганлар миқдори 16,6 5 га кўпайгани, ҳозирги пайтда 15-24 ёшдаги 86,3 млн. йигит-қиз ишсиз эканлиги, улар дунёдаги жами ишсизларнинг 44,0 5 ни ташкил этиши, 15 ёшдан барча аёллар ўртасида иш билан бандлари 1998 йилдаги 49,6 % дан 48,9 % га тушганлиги каби ташвишлар маълумотлар қайд қилинади<sup>2</sup>.

Иш билан бандликни ҳар бир мамлакатдаги, шу жумладан унинг ҳудудларида демографик вазият, иқтисодиётдаги ахвол, бошқа ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш йўллари ва усуллари юзасидан илмий хulosалар чиқариш ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш замонавий иқтисодиёт фани олдида турган устувор вазифадир.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ва чукур ислоҳотлар марказига кучли ижтимоий сиёsat қўйилган Ўзбекистон Республикаси учун бу йўналишдаги илмий изланишлар, фикримизча, янада муҳимроқ ва долзарброқдир. Мамлакатда аҳолини кафолатли иш билан таъминлаш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати давлат томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиши, хизмат соҳаси ва сервис жадал суръатларда ривожлантирилиши, иш билан бандликнинг ноанъанавий шакллари, хусусан касаначиликка кенг йўл очиб берилганлигини таҳлил этиш, умумлаштириш, шу асосда илмий хulosалар чиқариш ҳамда амалий тавсиялар тайёрлаш ижтимоий-иктисодий аҳамиятга молик вазифалардир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мехнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши, фаолият кўрсатиши, уни макроиктисодиёт даражасида тартибга солиш ва бошқариш, иш билан бандлик, ишсизлик муаммолари иқтисодиёт фани ва турли илмий мактаблар – классик назариётчилардан тортиб ҳозирги давр олимлари кўпгина тадқиқотларининг мавзуси бўлган. Улар қаторида Кейнс Дж.М., Макконелл К.Р., Маршалл А.,

---

<sup>2</sup> Байзакова Д., Арифджанова С. Экономический рост и оплата труда// -Т.: Ж. Экономическое обозрение. 2009. № 7. –с.20.

Оукен А., Пигу А., Рикардо Д., Самуэльсон П., Сей Ж.Б., Смит А., Фридмен М., Эренберг Р.Дж. ва бошқаларнинг асарларини келтириш мумкин.

МДХ мамлакатларида ҳам бозор иқтисодиёти шакллана бошланиши билан мазкур масалаларга эътибор ортди. Хусусан, Буланова В.С., Волгин Н.А., Костин Л.А., Маслова И.С., Никифорова А.А., Одегов Ю.Г., Плакся В.И., Рофе А.И., Руденко Г.Г., Шлендер П.Э., Яковлев Р.А. ва бошқаларнинг илмий ишларида бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида меҳнат бозорининг шаклланиши ва амал этиши хусусиятлари, ишсизлик муаммосини ҳал этиш масалаларига доир қимматли маълумотлар, эътиборга сазовор илмий хуносалар, амалий тавсиялар мавжуддир.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ҳам шаклланаётган бозор муносабатлари шароитларида мамлакатимиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат бозори муаммоларига доир тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Жумладан, Абдурахмонов Қ.Х., Абулқосимов Х.П., Алиқориев Н.С., Аҳмедов Э.А., Вороновский Ю.В., Зайнутдинов Ш.Н., Зокирова Н.Қ., Максакова Л.П., Ортиқова Д.А., Раҳимова Д.Н., Убайдуллаева Р.А., Умурзоқов Б.Х., Холмўминов Ш.Р., Худойбердиев З.Я., Шарифхўжаев М., Шодиев Р.Х., Ғуломов С.С. ва бошқаларнинг илмий ишлари мамлакат ва унинг ҳудудий меҳнат бозорлари шаклланиши ва амал қилиши, демографик вазият, иш кучининг шаклланиши, меҳнат бозорида талаб ва таклифларни мувофиқлаштириш, янги иш ўринларини яратиш муҳим хусусиятларини очиб беради.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳудудий меҳнат бозорини мустақил иқтисодий тараққиёт, бозор муносабатлари шароитида алоҳида иқтисодий муаммо сифатида тадқиқ этиш заруратини таъкидлаш керак. Бинобарин ана шу масалаларга бағишланган тадқиқотлар асосан мавзуни глобал даражада ёки мамлакат миқёсида ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳудудлар (вилоятлар) даражасида эса ижтимоий меҳнат муносабатларини

макродаражадаги бошқариш муаммоларига қаратилган. Бу эса мазкур БМИ мавзусини илмий муаммо сифатидаги долзарб аҳамиятини тасдиқлайди.

**БМИнинг мақсади.** Мехнат бозорининг моҳияти, шаклланиши ва амал қилишининг минтақавий хусусиятларини ўрганиш ҳамда ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш ва бошқаришни такомиллаштириш юзасидан илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ушбу тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

**БМИ мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этиш назарда тутилади:**

- меҳнат бозорининг ижтимоий-иктисодий категория сифатидаги моҳиятини тавсифлаш;
- аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсатини ҳудудларда амалга оширишнинг иқтисодий-методологик муаммоларини ўрганиш;
- ишчи кучига талаб ва унинг шаклланиши жараёнларини таҳлил қилиш ҳамда меҳнат бозоридаги конъюктурунинг иш билан бандликка таъсирини ўрганиш;
- аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳудудий тузилмалари маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш;
- вилоятни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастури доирасида аҳолини иш билан таъминлашнинг комплекс ҳудудий дастурини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш, бу дастурни амалга ошириш механизмлари, жумладан уни молиялаштириш манбалари бўйича амалий таклифлар тайёрлаш.

**Тадқиқот обьекти** Ўзбекистон Республикаси ва Сирдарё вилояти Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, унинг тузилмалари, туман ва шаҳарлардаги Иш билан бандликка қўмаклашувчи марказлар, ҳудудий меҳнат бозоридир.

**Тадқиқот ишининг предмети.** Меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини тартибга солиш ва бошқаришни ҳудудий ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларига ҳамда уларни такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-иктисодий муносабатлар бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот усули.** БМИда илмий натижалар олиш учун тизимли ва қиёсий таҳдил, эксперт баҳолаш, социологик сўров, иқтисодий - статистик услуг, синтез индукция ва дедукция ҳамда бошқа усувлар қўлланилди.

**Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Кодекслари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Каримов И.А.нинг асалари, шунингдек мамлакат ва чет эл иқтисодчи олимларининг меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларига доир илмий ишлари ташкил этади.**

**БМИда эришилган ва ҳимояга тақдим этилган илмий янгиликлар қўйидагиларда ўз ифодасини топган:**

- мамлакат муайян ҳудуди мисолида меҳнат бозорининг мустақил ижтимоий-иктисодий категория сифатидаги таърифи ва миллий меҳнат бозори билан қиёслама тавсифи ишлаб чиқилди;
- меҳнат бозорининг шаклланиши, амал қилиши ва ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари аниқланди;
- аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш ҳудудий жамғармаси маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш амалий-методологик мезонлари таклиф қилинди;
- аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий комплекс дастури концепцияси, дастурни амалга ошириш механизмлари, молиялаштириш манбалари асослаб берилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий давлат ҳокимият органлари, Мехнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш худудий тузилмалари, Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш учун янги, шу жумладан ноанъанавий шаклларидан қўлланиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш худудий дастурларини янада такомиллаштиришга кўмаклашиши, олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларининг “Иқтисодиёт назарияси”, “Мехнат иқтисодиёти ва социологияси”, “Персонални бошқариш”, “Кадрлар менежменти асослари”, “Мехнат кўрсаткичларини таҳлил қилиш”, “Мехнат статистикаси” фанлари ва ўқув курсларини ўқитиш жараёнида ижобий фойдаланиш имкониятлари билан белгиланади.

**БМИ тузилиши ва ҳажми.** БМИ кириш, иккита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Битирув малакавий ишнинг умумий ҳажми **80** бетни ташкил этиб, таҳлил ва тадқиқот давомида **7 та жадвал ва 3 та расмлардан** фойдаланилди.

## І БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ МАЗМУНИ, ШАКЛЛАНИШ ВА АМАЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

### **1.1. Мехнат бозори ижтимоий-иқтисодий категория сифатида**

Бозор иқтисодиётини меҳнат бозорисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов И.А. таъкидлаганидек: “Меҳнат бозорини шакллантирмасдан, иш қучини товарга айлантирмасдан туриб бозор муносабатлари ҳақидаги гаплар шунчалик қуруқ гаплигича қолади”<sup>3</sup>. Иш билан бандлик ва меҳнат бозори амал қилишини тадқиқ этишга турлича назарий ёндашувлар мавжуд. Иқтисодиёт фанида, одатда, бу масалага тўртта концептуал ёндашув фарқланади<sup>4</sup>.

1. Мехнат бозорининг классик назарияси. Бу назария асосчилари Рикардо Д., Милль Дж.С., Маршалл А. иш билан тўла бандлик бозор иқтисодиётининг нормаси, энг яхши иқтисодий сиёsat эса давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги, деб ҳисоблайдилар<sup>5</sup>.

Мехнат бозори классик назариясининг асосий қоидалари куйидагилардан иборат:

- иш кучи таклифининг ўзи иш кучига талабни туғдириши сабабли умумий ортиқча ишлаб чиқариш содир бўлмайди;
- иш билан тўла бандлик шароитида маҳсулот харид қилиш учун маблағ етарли бўлади;
- умумий сарф-ҳаражатлар учун маблағ етишмай қолган тақдирда мувофиқлаштиришнинг нарҳ-наво ва иш ҳақи каби воситалари тез ишга

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat. I том. –Т.: Ўзбекистон. 1996. -262 б.

<sup>4</sup> Абдурахманов К.Х., Шарифуллина Т.А. Экономика и социология труда: Учебное пособие. –М.: 2002. –с.66.

<sup>5</sup> Рикардо Д. Начало политической экономии и податного обложения/ Пер. с англ. –М.: Звено. 1910. –с 52. Маршалл А. Принципы экономической науки. Т.1/ Пер. с англ. –М.: Прогресс. 1993. –с.29.

тушиб, умумий сарф-ҳаражатларнинг камайиши ишлаб чиқариш ҳажми , иш билан бандлик даражаси ва реал даромадлар камайишига йўл қўймайди;

- меҳнат бозоридаги рақобат мажбурий ишсизликни истисно этади. Меҳнат қилишни ҳоҳлаган ҳар бир одам меҳнат бозори томонидан белгиланадиган иш ҳаки оладиган ишни осон топа олади;
- иқтисодиётга давлатнинг аралашуви ортиқча ва заарлидир.

2.Меҳнат бозорининг неоклассик назариясини илгари сурган Перри Дж., Фелдстайн М., Холл Р. ва бошқалар меҳнат бозори бошқа барча бозорлар каби нархлар мувозанати асосида амал қиласи, меҳнат бозорининг асосий тартибга солувчиси эса иш кучининг баҳоси, деб ҳисоблашади<sup>6</sup>. Неоклассик назария қуидагиларга асосланади:

- меҳнат баҳоси ва иш ҳаки ёрдамида иш кучига талаб ва унинг таклифи тартибга солинади, уларнинг мувозанати ушлаб турилади;
- иш кучи баҳоси бозор талаби ва таклифига боғлиқ бўлади, у иш кучига талаб ва унинг таклифига қараб ошиб ёки камайиб туради;
- меҳнат бозорида мувозанат сақланса, ишсизлик бўлмайди;
- ишсизлик ихтиёрий бўлади;
- ишсизликнинг сабаби ишчиларининг иш ҳаки миқдори камлиги сабабли ишлашдан бош тортишидир;
- иш жойини излаш меҳнат бозорида бекарорликни келтириб чиқаради;
- касаба уюшмаларининг таъсири, давлат томонидан иш ҳаки энг кам миқдорининг ўрнатилиши, бўш иш жойлари ва иш кучлари тўғрисида маълумотларнинг мавжуд эмаслиги меҳнат бозорининг «такомил эмаслиги»дан далолат беради.

3.Меҳнат бозорининг кейнсча назария асосчилари (Кейнс Дж., Гордон Д.) меҳнат бозори доимий ва фундаментал номувозанат ҳолатида бўлади,

---

<sup>6</sup> Экономическая теория: Хрестоматия. –М.: Высшая школа. 1995. –с. 25.

деган ғояни илгари сурадилар<sup>7</sup>. Ушбу назариянинг асосий қоидалари қуйидагилардир:

- иқтисодиётда тўлиқ бандликни кафолатловчи ҳеч қандай механизм мавжуд эмас;
- тўлиқ бандлик тасодифатдир;
- фоиз ставкаси ўзгаришлари, нарҳ-наво ва иш ҳаки миқдори нисбатларининг эгилувчанлиги ёрдамида меҳнат бозорига таъсир кўрсатиш мумкин эмас;
- иш кучининг баҳоси қатъий ва амалда, айниқса, пасайиш томонига ўзгармайди;
- иш кучининг баҳоси меҳнат бозорини тартибга солувчи бўла олмайди;
- меҳнат бозорини тартибга солувчи ролини давлат бажариши керак, у ялпи талабни ошириш ёки камайтириш орқали меҳнат бозоридаги номутаносибликни бартараф этиши мумкин;
- иш кучига бўлган талаб меҳнатнинг бозор баҳоси ўзгариши билан эмас, балки ялпи талаб ёки ишлаб чиқариш ҳажми орқали тартибга солинади;
- ишсизлик қисман ихтиёрий бўлсада, мажбурий характерга эга эмас.

4. Меҳнат бозорининг монетаристик назарияси тарафдорлари (Фридмен М., Кейген Ф., Майзельман Д., Бруннер К., Мольцер А.) қуйидаги қарашларни олға сурадилар:

- бозор хўжалиги ўз ички тенденциялари орқали барқарорликка, ўз-ўзини тартибга солишга интилади;
- агар номутаносиблик, бозор хўжалиги издан чиқиши ҳоллари мавжуд бўлса, улар, энг аввало, ташқи аралашув натижасида юзага келади;
- давлат аралашуви хўжалик ривожланиши бир меъёрда бўлишини издан чиқаради;

---

<sup>7</sup> Кейнс Д.М. Общая теория занятости, процента и денег/ Пер. с англ. – Петрозаводск. Петроком. 1993. –с. 79. Антология экономической классики: Мальтус М. Кейнс Дж., Ларин Ю.М. –М.: 1993. –с.424.

- давлатнинг, солиқ ва бюджет орқали тартибга солишини истисно этганда, тартибга солиш дастаклари сонини иложи борича камайтириш зарур;
- давлат томонидан иш ҳақи миқдори энг кам даражасини ўрнатиши, касаба уюшмаларининг мавқеи ҳамда бўш иш жойлари ва заҳира иш кучининг мавжудлиги тўғрисидаги ахборотнинг мавжуд эмаслиги бозор бекарорлигини кучайтиради ва меҳнат бозорининг салбий омиллари ҳисобланади;
- меҳнат бозорини мувозанатга келтириш учун Марказий банк ҳисоб ставкаси, тижорат банкларининг Марказий банк ҳисобварагларидаги мажбурий заҳиралари хажми каби дастаклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги давр иқтисодиёт адабиётида турли мамлакатларнинг ўзига хос ҳусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда меҳнат бозорига турлича таърифлар берилади. Жумладан, россиялик бир гурух иқтисодчи олимлар меҳнат бозори бозор муносабатларининг ажралмас қисми бўлиб, иш берувчилар ва ёлланма иш кучи манфаатларини мувофиқлаштирувчи ижтимоий муносабатларни ифодалайди, деган фикрни олға сурадилар<sup>8</sup>.

Профессор Павленков В.А.:“Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозори ёлланиб ишлашга қодир кишиларнинг барчасини: ҳам ёлланма меҳнат билан банд бўлганлар, ҳам банд бўлмаганларни камраб олади”<sup>9</sup>, деб ҳисоблайди. Яна бир россиялик иқтисодчи олима Никифорова А.А. эса: “Меҳнат бозори иқтисодий ривожланишнинг даражаси ва бозорда иштирок этувчи кучлар: тадбиркорлар, меҳнаткашлар ва давлат ўртасида маълум

---

<sup>8</sup> Адамчук В.В., Кокин Ю.П., Яковлев Р.А. Экономика труда: Учебник.- М.: Финстатинформ. 1999. - с.66. См. также: Адамчук В.В., Ромашов О.В., Сорокина М.Е. Экономика и социология труда: Учебник для вузов. - М.: ЮНИГИ. 1999. - с.31.

<sup>9</sup> Павленков В.А. Рынок труда.- М: Финстатинформ. 1992. –с.15.

даврда эришилган манфаатлар мувозанатини акс эттирувчи ижтимоий муносабатлар тизими сифатида вужудга келган”<sup>10</sup>, деб таъкидлайди.

Шу билан бирга “Меҳнат бозори бозор иқтисодининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, ижтимоий меҳнатни меҳнат ва ишлаб чиқариш самарадорлиги мезони асосида ижтимоий эҳтиёжлар ва мулк шакллари бўйича иқтисодиётнинг соҳалари ва тармоқлари, фаолият турлари ва шакллари орасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизми функциясини бажаради”<sup>11</sup>, деган хулоса ҳам мавжуд.

Айрим мутахассислар эса меҳнат бозорини иқтисодий ресурслар бозорлари тизимлари таркибида бўлади деб ҳисоблаб, унга ишлаб чиқариш омиллари бозорларидан бири сифатида қарайдилар<sup>12</sup>. Кейинги йилларда меҳнат бозори таърифида янги қирралар пайдо бўлди. Чунончи, айрим тадқиқотчилар меҳнат бозорини иш ҳақи ва даромадларнинг эркин ҳаракати орқали иш кучига талаб ва таклифни ўз-ўзини тартибга солувчи механизм сифатида талқин қиласидиган бўлдилар.

Бошқа иқтисодчилар эса меҳнат бозори иш берувчилар ва ёлланиб ишлашни ҳоҳловчиларнинг бевосита келишуви орқали талаб ва таклифни қаноатлантириш учун шароитлар яратади ва иш кучини харид қилиш-сотиш жараёнларини бевосита тартибга солмайди, деб уқтирадилар. Шу жиҳатдан Маслова И.С.нинг: “Меҳнат бозори – таракқий этувчи тизим бўлиб, унда мулкчилик субъектлари иш жойлари ва иш кучи таклифи, ходимга ва ёлланма меҳнатга талаб ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириб, ишлаб чиқариш омиллари(меҳнат воситалари ва иш кучи)га ўзаро таъсир этади. Меҳнат бозори мавжуд, аммо кесик, шакли ўзгарилилган кўринишда, бунинг устига ҳар нарсани ўз ичига оладиган характерга эга бўлмай, балки

---

<sup>10</sup> Никифорова А.А. Рынок труда: занятость и безработица.- М.:Международные отношения. 1991.- с.12.

<sup>11</sup> Скрытая безработица: феномен, анализ, последствия/ Под общей редакцией Волгина Н.А., Дудникова С.В.- М.: Изд.Госкомпечати РФ. 1998. - с. 6.

<sup>12</sup> Генкин Б.М. Экономика и социология труда: Учебник. –М.: ИНФРА. 1998. –с337.

мехнат муносабатларининг фақат бир қисмини қамраб олади”<sup>13</sup>, деган хулосаси ҳам диққатга сазовордир. Руденко Г.Г. ва Муртозоев Б.Ч.ларнинг фикрича, аниқ бир меҳнат бозори қуийдаги хусусиятларга эга:

- кўп сонли иш берувчилар муайян меҳнат турини ёллаш учун бир-бирлари билан рақобат қиласидилар;
- бир хил касб-иҳтиносликка эга кўп сонли малакали ходимлар бир-бирларидан мустақил равишда иш берувчиларга ўз иш кучини тақдим этадилар;
- иш берувчилар ҳам, ёлланиб ишловчилар ҳам иш ҳақининг бозор миқдори устидан назорат қила олмайдилар<sup>14</sup>.

Баъзи муаллифлар “меҳнат бозори” тушунчасини умуман илмий мунозаралар мавзуси сифатида кўрмайдилар. Хусусан Агабекян Р.Л. ва Авакян Г.Л. “меҳнат бозори” билан “иш кучи бозори” ўртасида фарқ йўқ деган фикрдалар<sup>15</sup>

Ўзбекистон иқтисодчи олимлари меҳнат бозори хусусида ўз илмий қарашларига эгалар. Абдураҳмонов Қ.Х.: “Меҳнат бозори дейилгандан иш кучини сотиш, сотиб олиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи тушунилади”<sup>16</sup>, деб кўрсатишиди.

Холмўминов Ш.Р.нинг фикрича эса: “Меҳнат бозори - меҳнатта қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ҳамда иш берувчилари ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи шартномалар асосида меҳнатга қобилиятларини харид қилиш-сотишни амалга оширувчи ҳамда иш кучига

<sup>13</sup> Маслова Н.С. Эффективная занятость и рынок рабочей силы. М.: Наука. 1992. - с.10.

<sup>14</sup> Руденко Г.Г., Муртазаев Б.Ч. Формирование рынков труда: Учебное пособие /Под.ред.проф.Одегова Ю.Г. – М.: Экзамен. 2004. - с.89.

<sup>15</sup> Агабекян Р.Л.,Авакян Г.Л. Современные теории занятости: Учебное пособие. –М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2001. –с.76.

<sup>16</sup> Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: Дарслик.-Т.:ТДИУ.2009.- 150 б.

талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспектли, ўсувчи ва очик ижтимоий-иқтисодий тизимчасидир”<sup>17</sup>.

Иқтисодчи оlimа Зокирова Н.К.: “Иш кучи бозорини ёлланиб ишлашга муҳтоj иш кучи эгалари билан иш кучига талаби бор ишлаб чиқариш воситалари эгалари (ёки уларнинг вакиллари) ўртасида таркиб топаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими сифатида тасаввур этиш мумкин”<sup>18</sup>, деб ҳисоблайди.

Юқорида баён этилган меҳнат бозори хусусидаги турли қарашларни умумлаштирган ҳолда биз “меҳнат бозори” тушунчаси иш берувчи билан ходим ўртасида меҳнат бозорида иш кучига таклиф ва унга талаб ўзаро муносабатлари натижасида таркиб топадиган ижтимоий-меҳнат муносабатлари ўрнатилиши(ёзма ёки оғзаки)ни эътироф этиш деб ҳисоблаймиз. Бунда меҳнат шартлари (жумладан иш ҳақи) устуворлиги ҳал қилувчи ролб ўйнайди.

Шундай қилиб меҳнат бозорида ижтимоий-меҳнат муносабатлари мураккаб тизими амал қилиши пировард натижаси сифатида иш кучи эмас, балки ундан фойдаланиш шартлари ва натижалари намоён бўлади. Иш кучини сотувчи билан уни харид қилувчи ўртасидаги шартнома муносабатларининг асосий натижаси ходим нуктаи назаридан иш ҳақи (меҳнатга ҳақ тўлаш) миқдоридир. Фикримизча, “меҳнат бозори” тушунчаси пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳудди шу билан боғлиқдир<sup>19</sup>.

---

<sup>17</sup> Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти :Ўқув кўлланма. -Т.: ТДИУ. 2004.-10 б.

<sup>18</sup> Зокирова Н.К. Социально-трудовые отношения: международный и национальный аспекты. – Т.: Фан. 2008. –с. 90.

<sup>19</sup> Зокиров К.Ж. Рынок труда: взгляд на проблему// -М.: Ж. Экономика и финансы. 2008. № 2. – с.19.

## 1.2. Меҳнат бозорини шаклланиши ва амал қилишининг асосий хусусиятлари

Меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Улар куйидагилар билан изоҳланади:

Биринчидан, иш кучи ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқдир. Корхона маҳсулотига талаб қанчалик юқори бўлса, бу ерда иш кучига талаб ҳам шунчалик кўп бўлади ва аксинча;

Иккинчидан, иш кучи таклифи иш ҳақи (меҳнат баҳоси) миқдорига боғлиқдир. Яъни иш ҳақи ( меҳнат баҳоси) қанчалик юқори бўлса, таклиф шунчалик кўп бўлади ва аксинча;

Учинчидан, иш берувчи ва ёлланма ходим муносабатлари қўплаб институционал тизимлар (қонунчилик, ижтимоий-иктисодий дастурлар, иш берувчилар ва ёлланма ходимлар жамоат бирлашмалари) орқали тартибга солинади;

Тўртинчидан, иш ҳақи (меҳнат баҳоси)га бевосита боғлиқ бўлмаган омиллар(меҳнат мазмуни ва шароитлари, иш ўрни кафолатланганлиги, касб малакасини ошириш, хизмат лавозимида ўсиш имкониятлари ва ҳоказолар)нинг таъсири.

Меҳнат бозори ўз таркибий тузилмасига ҳам эга. Уларга:

- меҳнат бозори субъектлари – ёлланма ходимлар, иш берувчилар, уларнинг жамоат бирлашмалари, давлат (унинг органлари);
- ҳукуқий нормалар, иқтисодий дастурлар, уч томонлама келишувлар, меҳнат шартномалари;
- меҳнат бозори механизми ( иш кучига талаб ва унинг таклифи, меҳнат баҳоси, рақобат);
- ишсизлик ва у билан боғлиқ ижтимоий тўловлар;
- меҳнат бозори инфратузилмаси;
- меҳнат фаолиятининг ноанъанавий турлари киради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Каримов И.А. мамлакатда: “Бугунги кунда замонавий меҳнат бозори шаклланди – мустақиллик йилларида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди”<sup>20</sup>, деб таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорини шакллантириш ва у амал қилишининг ҳуқуқий асосини 1992 йил 13 январда қабул қилинган “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 510-ХИ-сон Қонуни<sup>21</sup> (янги таҳрирдаги 1998 йил 1 майдаги 616-I-сон Қонуни {1998 йил ва 2006 йиллардаги ўзгартериш ва қўшимчалар билан})<sup>22</sup> ташкил этади.

Меҳнат бозорида иш кучи бозор тамойиллари – талаб ва таклифга асосланган бўлса ҳам аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида давлат сиёсати мавжуддир. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилишича, унинг асосий тамойиллари қўйидагиларга асосланади:

- меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили ва ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, мансаб мавқеи, динга муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек ходимларнинг ишчанлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъий назар teng имкониятларни таъминлаш;
- кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантирига кўмаклашиш;
- меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги;

---

<sup>20</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон. 2007. – 42 б.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. 1-сон.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 5-6-сонлар. 97-модда; 1999. 1-сон. 20-модда; 5-сон. 124-модда; 2006. 25-26-сонлар. 225-модда.

- иш билан таъминлаш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш;
- ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун иш жойлари яратсаётган иш берувчиларни рағбатлантириш;
- аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларни назорат қилишда давлат органлари, касаба уюшмалари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги;
- аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатлараро ҳамкорлик<sup>23</sup>.

Меҳнат бозорларининг ҳудудларда шаклланиши ўз хусусиятларига эга. Иқтисодчи олимлар Абдураҳмонов Қ.А., Абдуллаев А.М., Дадабаев Ш.Х. улар қаторида қуидагиларни келтирадилар:

1. Демографик омиллар.
2. Минтақа иқтисодиётининг тармоқ хусусияти.
3. Табиий ва антропоген омиллар.

Мазкур омиллар орасида ҳудуд меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклифга аҳоли сони, унинг жинс ва ёш бўйича таркиби, туғилиш даражаси, яъни демографик омиллар алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси аҳоли сони муттасил ортиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда туғилиш бирмунча камайганига қарамасдан (1992 йилдаги 2,3 % дан ҳозирги вақтдаги 1,1 % га) аҳоли сони тобора ортиб бормоқда. Мамлакатда 1997 йилда ҳар 1000 кишига нисбатан туғилиш 25,5 (табиий ўсиш 19,7), 2002 ва 2007 йилларда – 21 (табиий ўсиш 15,6) нафарни ташкил этди. Сирдарё вилоятида бу тегишли равишда 24,7 (табиий ўсиш 19,0); 22,8 (17,5) ва 22,4 916,9) нафарга тенгdir. Бошқача қилиб айтганда Сирдарё вилояти ҳар 1000 киши ҳисобига туғилиш кейинги йилларда ортиб боряпти.

---

<sup>23</sup> Ўзбекистон Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 5-6-сонлар. – 168 б.

Аҳоли табиий қўпайишидаги юқорида айтиб ўтилган хусусиятлар унинг ёш таркибида сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқаради. Башорат қилинаётган давр мобайнида бир неча ёш гуруҳларининг аҳоли таркибида улуши камайишига (0–15 ёш ва 16–29 ёш) ва қолган ёш гуруҳларининг улуши қўпайишига олиб келади. Башорат қилинётган давр охирига бориб мамлакат аҳолиси жинсий таркиби ҳам стабиллашади.

#### 1.2.1-жадвал. Ўзбекистоннинг демографик башорати (2015–2025 ийларга<sup>24</sup>)

Демографик кўрсаткичлар	2002 й.	2007 й.	2015 й.	2025 й.
1. Аҳоли сони, млн. киши.	25,1	26,7	29,6	34,7
2. Урбанизация даражаси, %	37,0	35,9	51,5	52,7
3. Аҳоли зичлиги, киши/км <sup>2</sup>	55,9	59,4	65,9	77,3
4. Абсолют ўсиш, млн.киши.	–	1,6	2,9	5,1
5. Ўртача ўсиш, минг.киши.	–	320,0	362,5	510,0
6. Ўсиш темпи, %	–	106,4	110,0	117,2
7. Йиллик ўсиш темпи, %	–	1,3	1,4	1,7
8. Туғиши ёшидаги аёллар сони, млн. киши.	6,4	7,2	8,5	9,9
9. Туғилиш коэффициенти, %	21,0	22,4	23,2	25,3
10. Ўлим коэффициенти, %	5,4	5,2	5,7	7,2
11. Табиий ўсиш коэффициенти, %	15,6	17,2	17,5	18,1
12. Жинс бўйича ёш гуруҳи, %				
0–15	38,8	33,3	29,1	25,6
16–29	26,3	28,8	29,9	30,8
30–39	13,7	14,0	15,2	16,1
40–49	10,3	11,5	11,9	12,3
50–59	4,4	6,6	7,0	7,7
60–69	3,8	3,0	3,8	4,0
70 ёш ва ундан катталарап	2,7	2,8	3,1	3,5

Чунончи юқори даражадаги туғилиш келгусида меҳнат бозорига иш кучи кириб келиши ортиши, бинобарин иш кучи таклифи талабга нисбатан ортиқ бўлишини англатади. Шу билан бирга туғилиш сонининг қўпайиши иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сонига таъсир кўрсатади. Чунки болали

<sup>24</sup> Манба: Ата-Мирзаев Озод Баба-Мирзаевич. Новая демографическая ситуация Узбекистана и ее перспективы// Материалы II Форума экономистов Узбекистана. 2010 год 2 декабрь. Ташкент.

оналар туғруқ таътилига чиқиши натижасида улар иқтисодий фаол аҳоли таркибидан фаол бўлмаганлар қаторига қўшилади.

Сирдарё вилоятида аҳоли ҳар 1000 нафарига туғилиш сони 1997 йилда мамлакат ўртacha кўrsatkiчlariдан паст эди. Аммо кейинги йилларда туғилиш динамикаси мамлакат кўrsatkiчlariдан юкори бўлмоқда. Яъни Ўзбекистон Республикасида аҳоли ҳар 1000 нафарига нисбатан туғилиш сони кейинги 10 йилда 79,2 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилоятида бу кўrsatkiч 89,0 % дир.

Ишга лаёқатлилар ёшдагиларнинг қуи қисмида бўлган аҳоли сонининг унинг юкори чегарасида бўлганлар миқдори ўртасидаги фарқ ҳам келгусида меҳнат бозорида қўшимча иш кучи таклифи юзага келишидан далолат беради. Аҳоли ўртасида ўлим даражасининг юкори бўлиши эса иш кучи таклифи суръати пасайишига олиб келади.

Сирдарё вилояти аҳолиси сони мамлакат бошқа худудларига нисбатан кам бўлсада, бошқа кўrsatkiчlar бўйича муайн устунликларга эга эканлигидан далолат беради. Жумладан, вилоят аҳоли зичлиги бўйича мамлакатда 7-ўринни эгаллайди. Бу ерда аҳоли умумий сони такибида қишлоқ аҳолисининг салмоғи ҳам бирмунча мутаносиб. У мазкур кўrsatkiч бўйича республикада 9-ўриндадир, яъни вилоятда урбанизация даражаси мамлакат ўртacha даражасидан юқоридир.

Демографик жараёнлар нафақат аҳоли сони, айни пайтда меҳнат ресурслари, иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли миқдорига бевосита таъсир кўrsatuvchi асосий омилдир.

XX аср бошларида иш кучини қайта ҳосил қилиш жараёни кўrsatkiчlariни баҳолаш мақсадида “меҳнат ресурслари” атамаси муомалага киритилди<sup>25</sup>.

---

<sup>25</sup> Экономика труда (социально-трудовые отношения) // Под.ред.Абдурахманова К.Х., Волгина Н.А. и Одегова Ю.Г. –М.: Экзамен. 2006. - с.34.

Халқаро Мехнат Ташкилотининг услубиётига мувофиқ меҳнат ресурслари меҳнатга лаёқатли ёшда бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан ташқари ёшда (пенсионерлар ва ўсмирлар) меҳнат қилаётган шахсларнинг йиғиндисидир<sup>26</sup>.

Абдурахмонов Қ.Х., Волгин Н.А. ва Одегов Ю.Г. меҳнат ресурсларига “жисмоний ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, моддий неъматлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишга қодир аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми”, деб таъриф берганлар<sup>27</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 106-сон қарорида<sup>28</sup> “Меҳнат ресурслари - меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишлаётган шахслар” эканлиги кўрсатилган. Меҳнатга лаёқатли ёш - аҳолининг меҳнатга лаёқатли давридир. Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ бу эркаклар учун 44 йилни (16 ёшдан 60 ёшгача), аёллар учун эса 39 йилни (16 ёшдан 55 ёшгача) ташкил этади. I ва II гуруҳ ногиронлар ҳамда имтиёзли пенсия олувчилар бундан истиснодир<sup>29</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини худудлар бўйича ҳисоблаб чиқиш методикаси” бўйича меҳнат ресурслари сони меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишловчилар сони йиғиндиси сифатида қуидагича аниқланади:


МР=МЛА+ИЎП,

<sup>26</sup> Утинова С.С. Методологические подходы к анализу проблем занятости и рынка труда // -М.: Ж.Вопросы статистики. 2003. № 7. - с. 34.

<sup>27</sup> Экономика труда (социально-трудовые отношения). - с.75.

<sup>28</sup> www.pravo.uz

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги бўйича меъёрий-хуқуқий хужжатлар тўплами. –Т.: Ўзбекистон. 2006. – 30 б.



1-расм. Мехнат ресурслари<sup>30</sup>

бунда: МР – меңнат ресурслари;

МЛА – меңнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли;

ИЎП – ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.

МЛА сони меңнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар) сонидан меңнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек имтиёзли шартларда пенсия олаётган меңнатга лаёқатли ёшдаги шахслар сонини чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади:

$$\text{МЛА} = \mathcal{E}_{(16-60)} + X_{(16-55)} - \text{Ног} - \text{Пи},$$

бунда:  $\mathcal{E}_{(16-60)}$  – 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар;

$X_{(16-55)}$  – 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар;

Ног – меңнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари;

<sup>30</sup> Манба: Халқаро Мехнат Ташкилотининг тавсия ва стандартлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Пи - имтиёзли шартларда пенсия олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги пенсионерлар.

Меҳнат муносабатларида ҳозирги вақтда иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси ҳам мавжуддир. Уилсон С.нинг кўрсатишича “иқтисодий фаол аҳоли” тушунчаси халқаро меҳнат статистикаси атамашунослигига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Статистика комиссиясининг 14-сессияси тавсиясига мувофиқ 1966 йилда киритилган<sup>31</sup>. Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида статистика органлари бу атамани 1993 йилдан эътиборан фаол қўллашга киришдилар.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти услубиётига мувофиқ иқтисодий фаол аҳоли иқтисодий фаоллигини белгилаш учун ўрнатилган ёшда (15-72 ёш) бўлган, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун иш кучи таклиф этилишини таъминлайдиган аҳоли қисмидир. Иқтисодий фаол аҳоли иқтисодий фаолиятининг барча соҳаларида иш билан банд бўлганлар ва ишсизларни қамраб олади.

Россиялик иқтисодчи олим Уралнис Б.Ц. иқтисодий фаол аҳоли таркибига аниқлик киритади. У ижтимоий ишлаб чиқаришда, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасида ёлланма шахс сифатида иштирок этаётганлар, меҳнат фаолиятида ёрдам кўрсатаётганлар ва ҳоказолар, ёки мазкур вактда иш билан банд бўлмасдан иш қидираётганлар ва ишлашни ҳохловчиларни иқтисодий фаол аҳоли, деб ҳисоблайди<sup>32</sup>.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти таснифига кўра статистика органлари иқтисодий фаол аҳолини уч гурухга ажратадилар:

- иш билан бандлар ва ишсизлар;
- иш кучини таклиф этаётганлар;

---

<sup>31</sup> Wilson S. Economical outlooks and research of labor market. –NY.: Economics. 1995. -p.25.

<sup>32</sup> Народонаселение стран мира. Справочник // Под.ред.проф. Уралниса Б.Ц. –М. : «Статистика», 1978, стр.293.

- иш билан банд бўлмаган ҳолда иш қидирмаётганлар ва ишлашга тайёр эмаслар.

Халқаро Мехнат Ташкилоти аҳоли иқтисодий фаоллигини белгилаш учун ўрнатилган ёшда бўлган, иш билан банд бўлмаганлар, лекин иш қидирмаётганлар ва ишлашга тайёр эмасларни иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли таркибиға кирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 106-сон қарорига кўра: “Иқтисодий фаол аҳоли - меҳнат билан банд бўлган фуқаролар ва ишсизлар. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли - меҳнат билан банд ва ишсиз деб ҳисобланмайдиган шахслар, шу жумладан:

- ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда таълим олаётган ҳамда иш ҳақига ёки меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар;
- ишламаётган учинчи гурух ногиронлари;
- уй бекалари ҳамда болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ишламаётган аёллар;
- кўчар ва кўчмас мулқдан даромад олаётган ишламаётган шахслар;
- ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар”dir.

Мамлакат ҳудудларида иқтисодий фаол аҳоли ва иш билан бандлар сони бир хил эмас. Жумладан, Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Бухоро вилоятларида бандлик даражаси республика даражасидан юқори, Фарғона, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё, Наманган вилоятларида эса паст.

Умуман мамлакат бўйича ҳамда Сирдарё вилоятида иқтисодий фаол аҳоли сони билан иқтисодиётда иш билан банд бўлганлар миқдори таққосланганда ҳозирча иш билан бандлик ўсишининг суръатлари иқтисодий фаол аҳоли ўсиши суратларидан орқада қолаётганлигини кузатиш мумкин. Чунончи, Сирдарё вилоятида ижтиомий фаол аҳоли сони ўн йил давомида (1998 йилда - 100,0 %) 23,3 % га ўсгани ҳолда иш билан бандлар 21,9 % га кўпайган. Бошқача қилиб айтганда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини ноанъянавий меҳнат фаолияти турлари, масалан касаначиликка жалб этиш

**1.2.2-жадвал. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари меҳнат бозорида иш билан банд бўлган аҳоли.<sup>33</sup>**

Ҳудудлар	Иш билан банд аҳоли сони, йил охирига кўра (минг. киши)			
	1999 й.	2005 й.	2007 й.	2015 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	483,5	494,6	551,2	560,2
Андижон вилояти	827,5	847,8	1014,4	1114,2
Бухоро вилояти	584,0	596,7	708,1	716,7
Жиззах вилояти	292,0	298,0	350,9	379,8
Қашқадарё вилояти	716,0	736,2	877,9	916,6
Навоий вилояти	309,0	330,7	390,1	412,3
Наманган вилояти	600,5	620,2	738,1	756,3
Самарқанд вилояти	903,5	936,1	1115,8	1211,9
Сурхондарё вилояти	596,0	583,1	696,6	6715,3
Сирдарё вилояти	244,0	252,6	296,1	323,4
Тошкент вилояти	887,5	906,9	1068,7	1157,9
Фарғона вилояти	1015,5	1042,0	1241,6	1313,3
Хоразм вилояти	456,0	468,3	553,6	598,1

иқтисодий фаол аҳолини иш билан тўла таъминлаш имконини бермаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра меҳнат ресурслари меҳнат билан банд бўлганлар, шу жумладан расмий ва норасмий секторларда банд бўлганлар, меҳнат фаолиятини чет элларда амалга ошираётганлар ҳамда иқтисодий фаол бўлмаган аҳолини мужассамлаштиради.

Меҳнат билан банд аҳоли сони қўйидагича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{ИТ} = \text{ИТ}_p + \text{ИТ}_{np} + \text{ММ},$$

<sup>33</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

бунда: ИТ<sub>р</sub> – иқтисодиётнинг расмий секторида ишловчилар; ИТ<sub>нр</sub> – иқтисодиётнинг норасмий секторида ишловчилар; ММ – мигрант меҳнатчилик–чет элларда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси резидентлари, уларнинг мазкур мамлакатда рўйхатга олинган ёки олинмаганлигидан қатъий назар.

Расмий секторда банд бўлганлар давлат статистика ҳисоботи маълумотлари бўйича аниқланиб, ҳисоблаб чиқилади ҳамда қўйидагилардан иборат бўлади:

- ёлланиб (меҳнат шартномаси бўйича), шу жумладан сайланадиган лавозимларда ишлаётган доимий, вақтинчалик ва мавсумий ходимлар;
- ҳарбий хизматчилик, ички ишлар органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари;
- кооперативлар ва ширкатлар аъзолари;
- хусусий корхоналар эгалари (иш берувчилар), шу жумладан фермерлар;
- юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида расман рўйхатга олинган фуқаролар;
- юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган дехқон хўжаликлари аъзолари ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларида ва дехқон хўжаликларида қорамол ўстириш билан банд бўлган шахслар;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти нормаларидан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ҳисобга олиш ва таснифлаш амалиётига мувофиқ иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлганлар жумласига ижтимоий суғурта ва солиқ органларида ҳисобда турмаган қўйидаги шахслар киради:

- юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилмаган дехқон хўжаликлари аъзолари;

- уйда пуллик хизматлар кўрсатиш билан банд бўлган шахслар (энагалар, уй хизматчилари, уй ошпазлари, автомобил ҳайдовчилар, қоровуллар ва бошқалар);
- жисмоний шахсларда хақ олиб ишловчи шахслар;
- оила бошлиқларига уларнинг тадбиркорлик фаолиятида ёрдам берувчи оила аъзолари;
- тегишли рўйхатдан ўтмай ишловчи тадбиркорлар.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд шахслар сони меҳнат органлари томонидан бандлик масалалари бўйича ҳар чоракда амалга ошириладиган ўрганиб чиқиш асосида аниқланади.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд аҳоли сонини аниқлаш учун бандлик масалалари бўйича танлаб ўрганиб чиқиш маълумотлари асосида:

а) иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг тегишли турлари билан шуғулланувчи шахслар сонининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги сўраб чиқилганларнинг умумий сонидаги салмоғи қўйидагicha аниқланади:

$$\text{СЧС}_i = \text{СС}_i : \text{СС} \times 100,$$

бунда: СЧС<sub>i</sub> - иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури билан шуғулланувчи сўраб чиқилганлар салмоғи;

СС<sub>i</sub> - иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури билан шуғулланувчи сўраб чиқилганлар сони;

СС – меҳнатга лаёқатли ёшдаги сўралганлар сони, ҳаммаси;

б) олинган салмоқ кўрсаткичи бўйича иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури билан шуғулланувчи аҳоли сонининг хисоби қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ИТНР}_i = \text{МЛА} \times \text{СЧС}_i : 100,$$

бунда: ИТНР<sub>i</sub> - иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури билан шуғулланувчилар сони;

МЛА - меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони.

в) иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандларнинг умумий сонини аниқлаш учун фаолиятнинг ҳар бир аниқ тури бўйича ИТНР тўғрисидаги маълумотлар жамланади:

$$\text{ИТНР} = E^1_1 \text{ ИТНР}^1_1,$$

бунда: ИТНР - иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар сони, ҳаммаси.

Мехнат фаолиятини чет элда амалга ошираётган шахслар сони қўйидаги тартибда босқичма-босқич аниқланади:

1) биринчидан, ишга жойлаштиришга муҳтожларни аниқлаш мақсади учун меҳнат органлари томонидан меҳнат эмиграцияси бўйича саволномага мувофиқ, меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишларни ўтказиш пайтида мигрант меҳнатчилар сифатида чет элда турганлар сони аниқланади. Бунинг учун:

а) уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича (меҳнат эмиграцияси модулига биноан) ҳар чорақдаги ўрганишлар маълумотлари асосида меҳнат фаолиятини чет элда амалга ошираётган шахсларнинг сўралганлар умумий сонидаги салмоғи қўйидагича аниқланади:

$$\text{MMC} = \text{КММС:CCx}100,$$

бунда: MMC - мигрант меҳнатчиларнинг сўралганларнинг умумий сонидаги салмоғи;

КММС - меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахсларнинг (мигрант меҳнатчиларнинг) меҳнат билан бандлик масаласи бўйича уй хўжаликларини ўрганиш давомида аниқланган сони;

CC - меҳнатга лаёқатли ёшдаги сўралганлар сони, ҳаммаси.

6) мигрант меҳнатчиларнинг сўралганларнинг умумий сонидаги салмоғи бўйича мигрант меҳнатчиларнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибидаги умумий сони қўйидагича хисоблаб чиқилади:

$$\text{MM} = \text{MMC' МЛА:}100,$$

бунда: MM - мигрант меҳнатчилар сони, ҳаммаси;

МЛА - меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони.

в) зарурат бўлганда, меҳнат фаолиятини чет элда амалга ошираётганларнинг сони жўнаб кетган йўналиши (мамлакати) бўйича аниқланади.

Бунинг учун:

- -ўрганишлар маълумотлари бўйича ҳар қайси мамлакатдаги меҳнат фаолиятини амалга ошираётган мигрант меҳнатчиларнинг сўралганлар умумий сонидаги салмоғи аниқланади;
- -меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли умумий сонига нисбатан- салмоқни пропорционал равишда ҳисоблаб чиқиши ва жамлаш йўли билан муайян мамлакатларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган мигрант меҳнатчилар сони аниқланади.

2) иккинчидан, умуман республика бўйича меҳнат ресурсларини ҳисоблаб чиқишида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сони ҳисобга олинади. Уларнинг сони Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 15 майдаги 97-сон қарори<sup>34</sup> асосида қуидагиларни ўз ичига оловчи интеграциялашган ахборотлар модули бўйича аниқланади:

- a) чет элга кетганларнинг сони ва мақсади тўғрисида божхона декларациясининг такомиллаштирилган шакли асосидаги ҳар чораклик статистика ҳисботи маълумотлари;
- б) меҳнат эмиграцияси масалалари бўйича ҳар йилги социологик ўрганишлар маълумотлари;
- в) меҳнат фаолиятини чет элда амалга ошириш учун фуқароларга Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилган рухсатномалар маълумотлари;

---

<sup>34</sup> [www.pravo.uz](http://www.pravo.uz)

г) Ташқи ишлар вазирлигининг чет элдаги консуллик муассасаларидан олинган маълумотлар;

д) уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ҳар чораклик ўрганишлар маълумотлари.

Сирдарё вилоятида 2016 йил 1 январ ҳолатига мавжуд аҳоли сони 790,1 минг, шундан иқтисодий фаол аҳоли<sup>35</sup> сони - 312,4 минг нафарни, иқтисодиётда банд бўлганлар сони – 311,7 минг нафарни ташкил этади. Бу аҳолини иш билан таъминлаш масалалари янада чуқурлашганлигини кўрсатмоқда.

Сирдарё вилоят иқтисодиётида 2015 йил бошида иш билан банд бўлганларнинг 311,7 минг нафарни, шундан давлат секторида банд бўлганлар сони – 62,7 нафарни, нодавлат секторида банд бўлганлар сони – 249,0 минг нафарни ташкил этди.

Мамлакатда 2015 йилдан кейин иқтисодий фаол аҳоли сони 24,9 % га ортгани ҳолда аҳолининг иш билан таъминланиши 22,0 % га кўпайган. Яъни Ўзбекистон бўйича ҳам яратилаётган янги иш ўрнилари сони аҳоли сони кўпайишидан ортда қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига биноан мамлакатда иш кучи сони йилига 250,0 минг кишига (буниng 75,0 % - 175,0 минг нафари қишлоқ жойларига тўғри келади) кўпаймоқда. Айни пайтда мамлакат иқтисодиётида рўй берабётган илмий-техникавий, технологик, таркибий ўзгаришлар ҳисобига ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг ортиши йилига яна тахминан 250,0 минг кишини бўшатиб беряпти. Шу билан бир қаторда корхоналарнинг банкротлиги, уларнинг бошқа сабабларга кўра ёпилиши яна 100,0 минг кишини иш жойларини тарк этишларига сабаб бўлмоқда.

Иқтисодчи олимлар Ортиков А.А., Зокирова Н.К.. Абдураҳмонов О.Қ. ҳисоблаб чиқишлиарича, бу миқдордаги аҳолини иш билан банд қилиш иш

---

<sup>35</sup> Мехнат органларида рўйхатга олинган ишсизларни ҳисоблаган ҳолда.

ўрниларини ёки иш билан бандлик асосий фондларини янгилаш коэффициентини йилига 20,0 % га кўпайтиришни талаб этади<sup>36</sup>.

Иқтисодчи Боймуродов С. бу фикрга қўшилади. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистонда: “мехнатга лаёқатли аҳоли жами аҳолининг асосий қисмини ташкил этиши ва аҳолининг 2/5 қисмини яқин йиллар ичидаги меҳнат ресурслари сафига қўшилиши кутилаётган ёшлар ташкил этиши меҳнат бозоридаги кескин вазият яқин келажакда сақланиб қолишини кўрсатади”<sup>37</sup>.

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этишда ҳудуларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожлантирилиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги яхши маълум. Бу масалада давлатнинг инвестиция сиёсати билан бир қаторда кўп нарса маҳаллий ҳокимият органларининг ташаббускорлиги, ишchanлигига боғлиқdir.

Ҳудудларда иш кучига талаб ва унинг таклифига табиий-иклим шароитлари ҳам таъсир кўрсатишини таъкидлаш лозим. Юқори унумдор, етарлича сув билан таъминланган жойларда иш кучига талаб ҳам, унинг таклифи ҳам юқори бўлиши табиий. Шу билан бирга ортиқча меҳнат ресурсларига эга ҳудудларда хорижий сармояларни жалб қилиш ҳисобига янги иш ўнилари яратиш, қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш аҳолини иш билан кафолатли таъминлашнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

---

<sup>36</sup> Артыков А.А., Зокирова Н.К., Абдурахманов О.К. Человеческий капитал в условиях реформирования и модернизации экономики. –Т.: Фан ва технология. 2008. – с.126.

<sup>37</sup> Боймуродов С. Демографик муаммолар: тарих, ҳозирги ахвол, таҳлиллар // -Т.: Ж. Жамият ва бошқарув. 2008. 2-сон. – 45 б.

### **1.3. Аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсатини амалга оширишнинг иқтисодий-методологик муаммолари**

Аҳолини иш билан таъминлаш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг энг устувор йўналишидир. Ўзбекистонда аҳолининг 60 фоизга яқинини меҳнат ресурслари ташкил этади. Меҳнат ресурслари жисмоний ва ақлий қобилиятга эга бўлиб, меҳнат жараёнида моддий неъматлар ва хизматларни яратадилар. Меҳнат ресурслари таркибига киритилган ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмаётган нофаол аҳоли эса меҳнат захираларини ташкил этади. Чунки вақти келиб улар ҳам иқтисодий фаол аҳоли таркибига қўшилишлари мумкин.

Давлатнинг аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш усуллари асосан уч гурухга таснифланади:

- Иқтисодий усуллар (бюджет сиёсатида янги иш ўринлари яратишни рағбатлантириш учун иш берувчилар, айниқса тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш, солиқ юкини камайтириш, ишга муҳтож аҳолини меҳнат бозорида рақобатбардош касбларга ўргатиш ва ҳоказоларни устувор йўналиш сифатида белгилаш).
- Ташкилий усуллар (иш билан бандлик ва аҳолини иш билан таъминлаш хизматлари, меҳнат бозорига хизмат кўрсатувчи ахборот тизимларини, касбга йўналтириш ҳамда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимларини шакллантириш ва ривожлантириш).
- Маъмурий-қонунчилик усуллари (меҳнат шартномалари тузиш, иш вақти, иш вақтидан қўшимча вақт иш давомийлигини тартибга солиш, иш билан бандлик давлат жамғармаларига мажбурий тўловларни жорий этиш, аҳолининг noctor қисми учун кафолатли иш жойлари сонини квоталаш ва ҳоказолар).

Айни пайтда давлатнинг аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган сиёсати фаол ва нофаол бўлиши мумкин. Фаол сиёсат меҳнат таклифи ҳамда

мехнатга талабни ҳар тарафлама рағбатлантириш, иш билан бандлик дастурларини ишлаб чиқиши ва уларни изчил амалга ошириш ва бошқа тадбирларни мужассамлаштиради. Нофаол сиёсат, асосан, ишсизларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан чекланади.

Россия Фанлар академияси Иш билан бандлик институти директори Микульский К.нинг фикрича, иш билан бандлик сиёсатига янги талаблар ривожланган ва ижтимоий мувофиқлаштириладиган меҳнат бозорини шакллантириш ҳамда унинг қонуниятларидан фойдаланишни тақозо этади. Бунда:

биринчидан, давлатнинг меҳнат бозорини мувофиқлаштириш бўйича сиёсати иқтисодий самарадорлик талабларига зид бўлмаслиги керак. Аҳолининг иш билан бандлик даражаси юқорилиги корхоналар ва ташкилотларда ортиқча иш кучлари саклаб турилиши билан эмас, балки янги иш ўринлари яратилиши билан таъминланиши лозим;

иккинчидан, меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси иш кучини қайта ҳосил қилиш учун зарур сарф-харажатлар миқдорига яқинлаштирилиши учун шартшароитлар яратилиши керак<sup>38</sup>.

ХХ аср бошларида Ўарбий Европа мамлакатларидаги ижтимоий танглик меҳнат муносабатлариниadolатли тартибга солиш заруратини туғдириди. Натижада 1919 йилда Халқаро Мехнат Ташкилоти (ХМТ) ташкил этилди. Шу аср 20-30-йилларидағи глобал иқтисодий инқироз (худди 2008 йилдаги каби) давлатнинг умуман иқтисодиётга, хусусан меҳнат бозорини мувофиқлаштиришга араласиши даркорлигини аниқ-равшан кўрсатди. Шу сабабли, жумладан, АҚШда давлатнинг иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиш имкониятлари кўзда тутилган қонунлар қабул қилинди.

Ривожланган давлатларда давлатнинг меҳнат бозорини мувофиқлаштиришда аҳолини иш билан таъминлашни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлари асосан қуйидагилардан иборат:

---

<sup>38</sup> Региональная экономика: Учебник.-М.: ИНФРА. 2002. –с.132.

- иш билан бандликка субсидиялар ажратиш;
- меҳнат бозорига молиявий-кредит таъсир кўрсатиш;
- жамоатчилик ишлари дастурлари.

Хусусан, жамоатчилик ишлари дастурлари АҚШда XX аср 30-йиларидаёқ қўлланила бошланган эди. Улар иш билан доимий бандликка муқобил сифатида қўлланилар, мазкур мақсадлар учун маблағлар федерал ёки маҳаллий бюджетдан ажратиларди.

Бу тажрибадан ҳозир ҳам кенг фойдаланилади. Буюк Британияда жамоатчилик ишлари дастурлари билан икки груп: сўнгги 9 ойнинг 6 ойида ишсиз 18-24 ёшдагилар ҳамда сўнгги 15 ойнинг 12 ойида ишламаган катта ёшдагилар қамраб олинади. Швецияда бу ишларга амалда ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқи тутаган шахслар даврий ёки мавсумий ишсизликда жалб этиладилар.

Францияда Мехнат Кодексига биноан қисман иш билан бандлик кўзда тутилган. У қуйидагиларни кўзда тутади:

- 1) корхоналарга институционал муносабат, яъни уларга ҳокимият ва бошқарув органларининг таъсир ўтказиши;
- 2) иқтисодий фаолиятни, яъни корхонада таркиб топган иш билан бандлик шаклларини ўзгартириш;
- 3) маҳаллий меҳнат бозорига ходимлар таркиби – ҳам штатдаги, ҳам контракт бўйича ишлайдиган ходимларни таклиф этиш;
- 4) техникавий-ташкилий тузилмани такомиллаштириш;
- 5) касбий ҳаракатчанлик даражаси;
- 6) касбий муносабат.

Мамлакат қонунчилигига мувофиқ иш берувчиларга иш билан бандлик даражасига таъсир кўрсатишида мустақиллик берилган. Улар, жумладан, иш вақтини, иш билан бандликни, ходимларни рағбатлантиришни белгилашда

эркинлар<sup>39</sup>. Айни вақтда Францияда касбий тайёргарликка эга бўлмаган 16-21 ёшдагилар учун жамоат ишларининг алоҳида дастурлари ишлаб чиқилган.

Тараққий этган мамлакатларда аҳолининг алоҳида тоифаларини иш билан таъмилаётган иш берувчилар учун турли имтиёзлар тизими ҳам мавжуд. Чунончи, Голландияда оҳирги 6 ой давомида ишсиз бўлганларни ишга қабул қилган тадбиркорларга иш ҳақига устама сифатида олти ойлик субсидия берилади. Германияда ҳам 50 ёшдан ошган кишиларни ишга қабул қилган иш берувчиларга имтиёзли шартлар билан кредитлар ёки субсидиялар берилади. АҚШда яратилган янги иш ўринлари учун солиққа тортишда имтиёзлар кўзда тутилган<sup>40</sup>. Умуман тараққий этган мамлакатларда давлатнинг иш билан бандликка сарф-ҳаражатлари ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 2,0-5,5 % ни ташкил этади<sup>41</sup>.

Шу муносабат билан биз иқтисодчи олима Зокирова Н.К.нинг “Давлат аралашувисиз тўла иқтисодий эркинлик бўлиши мумкин эмас, аммо иқтисодиётни тез ривожлантиришга дастак бўладиган ҳамда нормал тартибга солинадиган бозор ривожланиши билан таъминланадиган етарли даражадаги иқтисодий эркинлик бўлиши керак”<sup>42</sup>, деган хulosасига қўшиламиз.

Ҳақиқатан ҳам давлат томонидан тартибга солинадиган меҳнат бозори биринчи навбатда бозор иқтисодиёти шароитларида аҳолининг nochor қисмини ишонарли ҳимоялаш, шу билан бирга тадбиркорлик ва ташаббускорликни ҳар тарафлама рағбатлантириш, хўжалик фаолиятида таваккалчиликка тўсиқ бўлмаслик мақсадларига йўналтирилган бўлиши лозим.


Давлат меҳнат бозорида иш билан бандлик даражасини ошириш сиёсатини амалга оширишда турли омиллар – иш кучига талаб ва таклифни

<sup>39</sup> Зокирова Н.К. Социально-трудовые отношения: международный и национальный аспекты. –Т.: Фан. 2008. – с.91.

<sup>40</sup> Экономика труда. Социально-трудовые отношения: Учебник. –М.: Экзамен. 2006. – с. 217-219.

<sup>41</sup> Абдурахманов К.Х., Абдуллаев А.М., Дадабаев Ш.Х. Региональная экономика и управление. –Т.: 2007. – с263.

<sup>42</sup> Зокирова Н.К. Социально-трудовые отношения: международный и национальный аспекты. – с.95.



2-расм. Ахолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати

шакллантириш, жамоат ишларини йўлга қўйиш, ижтимоий муҳофазага муҳтоjлар учун кафолатли иш ўрнилари яратиш ва бошқа чора-тадбирларни кўради.

Давлат бошқарув органлари ахолини иш билан таъминлаш соҳасида куйидаги ваколатларга эгадирлар:

- меҳнат бозорини барпо этиш ва ривожлантиришни таъминловчи тузilmaviiy, moliaiy, credit, investitsiya va solik si'essatini amalga oshireshga doir tadbirlarни iishlab chiqish;

- иқтисодиёт тузилишини таҳлилий тадқиқ этиш, меҳнат бозор ҳолати ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги аҳволнинг истиқболини белгилаш, бу соҳада давлат статистика ҳисоби ва ҳисботини юргизиш;
- аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- фуқароларнинг иш билан таъминланиши соҳасидаги ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини давлат томонидан тегишли равишда кафолатланиши, шунингдек ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- қўшимча иш жойлари яратилишига, меҳнат шароитлари яхшиланишига қўмаклашиш<sup>43</sup>.

Шу билан бир қаторда “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун 7-моддасига биноан аҳолининг айрим тоифаларини ишга жойлаштиришда қўшимча кафолатлар ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида<sup>43</sup>ги 186-қарорида аҳолининг иш билан бандлигига қўмаклашиш мақсадида қуйидаги тоифадаги шахсларга корхона, ташкилот ва муассасаларда иш ўринлари банд қилиб қўйилиши қайд этилади:

- ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар;
- таълим муассасасини тутатган ёшлар;
- муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар;
- ногиронлар;

---

<sup>43</sup> Ўзбекистон Олий Мажлисининг Ахборотномаси.1998. 5-6-сонлар. 171 б.

- иш билан бандликка қўмаклашиш туман (шаҳар) марказларида иш қидиувчи сифатида ҳисобда турган кексалик ёшига яқинлашиб қолган шахслар;
- жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар<sup>44</sup>.

Аҳолининг айрим тоифаларини ишга жойлаштиришдаги қўшимча кафолатлар қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар барпо этиш, иш ўргатиш маҳсус дастурларини амалга ошириш, корхона, муассаса ва ташкилотларга мазкур тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш ва бошқа чоралар билан кафолатланади.

Бугунги кунда мамлакатда аҳолини иш билан таъминлашда қўйидаги муаммолар мавжуддир:

1.Иш билан бандлик тармоқ таркибининг жиддий ўзгариши. Бу саноат ишлаб чиқариши ҳамда қишлоқ хўжалигига иш билан бандлар салмоғининг камайиши билан изоҳланади. Кейинги йилларда ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларга айлантирилиши натижасида маҳсулот бирлигига меҳнат сарфи 8,0-10,0% га камайди<sup>45</sup>.

Умуман фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлиги юқори бўлиб, уларда иш кучи аввал ширкат хўжаликларида бўлганига қараганда 25,0 % га кам ёлланмоқда. Кўп жиҳатдан шу сабабли 1991 йилда мамлакат қишлоқ хўжалигига иш билан банд бўлганлар иш билан бандлар умумий сонининг 42,0 % ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 28,1 % га тушиб қолди.

Тўла бўлмаган ва самараси кам бандлик кўламлари катталиги. Мазкур муаммолар зарар кўриб ишлаётган корхоналарда ходимлар мажбурий

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. 2008. 34-сон. -15 б.

<sup>45</sup> Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза: Ўзбекистон – 2005. –Т.: Иқтисодий тадқиқотлар маркази. 2006. - 44-б.

таътилга чиқарилиши (масалан, зарар кўриб ишлаётган ёки корхоналар банкротга учраши оқибатида иш билан бандларнинг ўртача 2,5 % - саноатда 8,3 %, қурилишда 7,9 % мажбурий таътилга чиқариладилар)<sup>46</sup>, меҳнат баҳоси пастлиги, иш билан бандлар тўла иш вақтида ишламаслиги, юқори технологиялар ва илм-фан соҳасида иш билан бандлар сони камайиши билан боғлиқдир.

3. Даромад ва касб малакаси даражаси ўртасида узвий боғлиқлик йўқлиги сабабли малакали ва юқори малакали ходимлар меҳнат салоҳиятидан унумли фойдаланилмаётганлиги.

4. Ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлаш даражаси ўртасида фарқлаб сақланиб қолинаётганлиги, хусусан аҳоли зич минтақаларда меҳнатга муҳтож аҳоли сонининг ортиб бориши.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун биринчи навбатда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш керак:

а) қўшимча иш жойлари яратиш, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида мавжуд иш ўрниларини сақлаб қолишни қўллаб-куватлаш. Ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш учун иш берувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш ҳудди шу мақсадларга хизмат қилиши мумкин;

б) мамлакат ҳудудлари ўртасида меҳнат миграциясини рағбатлантириш;

в) иш балан бандликка кўмаклашиш давлат маблағлари ҳисобига меҳнатга муҳтож аҳолини меҳнат бозорида рақобатбардош касб-хунарларга ўргатиш.

Фоят муҳим сиёсий-ижтимоий муаммо – аҳолининг иш билан бандлигини ҳал этишда маҳаллий, шу жумладан Сирдарё вилояти ҳокимият

---

<sup>46</sup> Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза: Ўзбекистон – 2005. – 45 б..

органлари, иш билан банликка кўмаклашувчи марказлар олдига маъсулитли вазифалар қўйилган.

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида маҳаллий меҳнат органларининг вазифалари кўрсатиб берилган. Жумладан:

- маҳаллий меҳнат органлари фуқароларга мақбул келадиган ишни танлашда, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа иш берувчиларга эса зарур ходимларни танлашда ёрдамлашади;
- меҳнат органларига мурожаат қилган фуқаролар ва иш берувчиларга иш топиш ва иш кучи билан таъминлаш имкониятлари тўғрисида маълумотлар тақдим этадилар;
- ишга муҳтоҷ фуқароларни касбга ўргатиш, қайта ўргатиш ва малакасини ошириш тўғрисида ўқув юртлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан шартномалар тузадилар;
- аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар<sup>47</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чоратадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сон Фармони<sup>48</sup> ҳам шу мақсадни – жаҳон молия-иқтисодий кризисининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиктисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, эксперт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни манзилли қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда аҳоли бандлигига кўмаклашишни кўзлайди.

Мазкур Фармонга шархларда алоҳида таъкидланганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларининг, шу

<sup>47</sup> Ўзбекистон Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6 сонлар, 172-173-бетлар.

<sup>48</sup> “Халқ сўзи” газетаси 20116 йил 2 декабрь.

жумладан Имтиёзли кредитлар жамғармасидан кредитлар беришни кенгайтириш, замонавий импорт ускуналар ва минитехнологиялар харид қилиш учун кредит линиялари очиш, қўшимча солиқ имтиёzlари бериш, шунингдек уй-жой қурилиши, айниқса якка тартибдаги уй-жойларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги уй-жой фондини таъмирлаш, тиклаш ва реконструкция қилиш чора-тадбирларининг ўзаро боғлиқ тизимини яратиш иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашишнинг муҳим омили бўлади.

## **П БОБ. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **2.1.Иш жойларини яратиш ва ривожлантиришнинг ҳудудий механизмини яратиш**

Бозор иқтисодиёти шароитларида аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш мавжуд ҳамма имкониятларни тўла ишга солишини талаб қиласиди. Шунинг учун республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёев 2017 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга бағишлиланган маърузаларида “2017 йилга мўлжаллаб қабул қилинган ва мамлакатимиз Парламенти томонидан маъқулланган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини асосан қишлоқ жойларда яратиш кўзда тутилган. Бу иш жойларининг 600 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиш мўлжалланмоқда”<sup>49</sup>, деб таъкидлаб ўтдилар.

Умуман олганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жаҳон иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Жумладан, уларнинг миллий ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши Буюк Британияда 50,0-53,0 %, Францияда 55,0-62,0 %, АҚШда 50,0-52,0 %, Японияда 52,0-55,0 % дан кўпроқни ташкил этиши<sup>50</sup> ҳам буни исботлаб турибди. Айни пайтда бу мамлакатларда иқтисодий фаол аҳолининг 60,0 % дан 80,0 % гачаси ушбу тармоқда банддир<sup>51</sup>.

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибаси ҳисобга олиниб, мамлакатда сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал

<sup>49</sup> Мирзиёв Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. 2016 йил якунлари ва 2017 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш йўналишларига бағишлиланган маъруза. Ўзбекистон овози. 16 январ 2017 йил.

<sup>50</sup> Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среднего бизнеса. –Т.: Международная финансовая корпорация. 2003. – с.15-16.

<sup>51</sup> Маршев В.И.История управленической мысли.Учебник.-М.:ИНФРА-М. 2005. –с. 86 .

ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар, мустаҳкам хуқуқий асос яратилди<sup>52</sup>.

Қонунчилик такомиллаштирилиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, шунингдек фаолиятнинг алоҳида турлари билан шуғулланиш хуқуқини берадиган лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнлари соддалаштирилди ва тартибга солинди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишга рухсат берадиган ташкилотлар сони кескин қисқартирилди, бу таомилни тартибга солиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ташкил этилди. Кичик бизнес субъектлари хўжалик фаолиятини фақат мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсати билан текшириш тартиби ўрнатилди. Бунда микрофирмалар, кичик корхоналар хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда бир марта текширишга рухсат берилади. Янгидан ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналарда улар рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб 2 йил мобайнида ҳеч қандай режавий текширишлар ўтказишга йўл қўйилмайди.

2008 йилдан кучга кирган янги Солиқ Кодексига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий корхоналарнинг солиқ юки кескин камайтирилди. Хусусан, солиқка тортиш ставкалари унификация қилинди ва камайтирилди. Ўзбекистонда 2011-2016 йиллар мобайнида даромад солиғи 38,0 % дан 6 %

---

<sup>52</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 январдаги “Ўзбекистон иктисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2005 йил 24 июндаги “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги қонун бузилишлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги фармонлари, 2005 йил 21 сентябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш таомиллари турларини қисқартириш ва соддалаштириш тўғрисида”, 2006 йил 24 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”, 2007 йил 24 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва улар фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 22 августдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”, 2001 йил 10 сентябрдаги “Кичик корхоналар, дехкон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, уларга божхона имтиёzlари бериш, банк хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботи тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари [www.pravo.uz](http://www.pravo.uz)

га, ягона ижтимоий тўлов 40,0 % дан 17,0 % га, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ 6 % га туширилди.

Тадбиркорликнинг жадал ривожлантирилиши ижтимоий масалаларни ҳал қилишда жуда катта роль ўйнамоқда. Иқтисодчиларнинг ҳисоблаб чиқишиларича, мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 4,0-6,0 % га ўсиши аҳолининг иш билан бандлик даражасини 2,7 % га кўпайтириш имконини беради. Кичик бизнесни ривожлантиришда шу даражада ўсиш эса иш билан бандликни 7,9 % га кўпайтирмоқда. Шу сабабли Ўзбекистонда 2015 йилда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган бўлса, бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига қараганда, бугунги кунда республикада меҳнат ресурслари сони (2015 йил) 18277,1 минг кишини ташкил этади .

2014–2015 йиллар давомида республикада меҳнат ресурслари сони 18048,0 минг кишидан 18277,1 мингга ёки 1,3 фоизга ортган.

Меҳнат ресурслари иқтисодий фаол ва нофаол аҳолига тақсимланади.

Иқтисодий фаол аҳолига меҳнат билан банд бўлган фуқаролар ва ишсизлар киради. Таҳлил қилинаётган даврда иқтисодий фаол аҳоли сони 1,9 фоизга ортган.

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ҳамда иш хақига ёки меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар;
- ишламаётган учинчи гуруҳ ногиронлари;
- уй бекалари ҳамда болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ишламаётган аёллар;
- кўчар ва кўчмас мулқдан даромад олаётган ишламаётган шахслар; – ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар.

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли – меҳнат билан банд ва ишсиз деб ҳисобланмайдиган шахслар, шу жумладан:

Ўрганилаётган даврда иқтисодий нофаол аҳоли сони 33,2 минг кишига ёки 0,7 фоизга камайган. 2015 йилда меҳнат ресурслари таркибида

**2.1.1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаол ва нофаол аҳолига тақсимланиши, минг киши\***

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2014 йилга нисбатан	
			(+,-)	( % )
Жами меҳнат ресурслари сони	18048,0	18277,1	229,1	101,3
<i>Шундан:</i>				
Иқтисодий фаол аҳоли сони	13505,4	13767,7	262,3	101,9
Иқтисодий фаол аҳолининг улуши, %	74,9	75,3	0,4	-
Иқтисодий нофаол аҳоли сони	4542,6	4509,4	-33,2	99 , 3
Иқтисодий нофаол аҳоли улуши, %	25,1	24,7	-0,4	-

\*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Иқтисодий нофаол аҳолининг улуши 24,7 фоизни ташкил қилган. Мазкур ҳолат аҳоли таркибида 16–24 ёшдаги аҳолининг салмоқли улуши билан ҳам боғлик. шу билан бирга, таълим олаётган ёшларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Чунки республикада таълимни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида янги қурилаётган академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўқувчиларнинг жалб этилиши иқтисодий нофаол аҳолининг ўсишига бевосита таъсир қилмоқда.

Қуйидагилар иш билан таъминланган деб ҳисобланади:

- ёлланиб ишлаётган, шу жумладан, ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган касаначилик билан шуғулланаётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан, вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

- бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришнинг тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча иш жойида бўлмагандан ходимнинг иш жойи сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар;
  - ўзини иш билан мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан, юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;
  - Куролли кучларда, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни ўтаётган, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар;
- таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда таълим олаётган фуқаролар;
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар.

Мамлакатларда меҳнатда бандлик ва ишсизликни кўп йиллик ўрганиш тажрибаси шуни кўрсатадики, меҳнатга яроқли аҳолининг 94–95 фоизи меҳнатда банд бўлса, иқтисодиёт меъёрида ривожланаётган ҳисобланади.

Меҳнат вааҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, республикада иқтисодий фаол аҳолининг 95 фоизини иш билан бандлар ташкил этади .

2014–2015 йиллар давомида иш билан банд аҳоли сони 93,5 минг кишига ёки 1,2 фоизга ортган.

**2.1.2-жадвал. Ўзбекистон Республикасида иш билан банд аҳоли сони ва таркибининг ўзгариши, минг киши**

	Кўрсаткичлар	2014	2015	2015 йилда 2014	
		йил	йил	йилга нисбатан	(+,-)
<b>1</b>	<b>Жами иш билан бандлар</b>	<b>12818,4</b>	<b>13058,3</b>	<b>239,9</b>	<b>101,9</b>
<i>Шу жумладан:</i>					
1.1.	Иқтисодиётнинг расмий секторида иш билан бандлар сони	7755,7	7849,2	93,5	101,2
<i>Шундан:</i>					
1.1.1.	Иқтисодиёт тармоқларида иш билан бандлар сони (ирик бизнесда)	2419,8	2431,6	11,8	100,5
1.1.2.	Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан бандлар сони	2228,7	2229,5	0,8	100,0
1.1.3.	Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида расман рўйхатга олинган фуқаролар сони	844,2	871,1	26,9	103,2
1.1.4.	Деҳқон хўжаликларида иш билан бандлар сони	1815,2	1869,2	54,0	103,0
1.1.5.	Бошқа ташкилот ва муассасаларда иш билан бандлар сони	447,8	447,8	0,0	100,0
1.2.	Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар сони	3989,1	4207,8	218,7	105,5
<i>шундан:</i>					
1.2.1.	Номуайян, бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар сони	1572,4	1656,8	84,4	105,4
1.2.2.	Меҳнат муносабатларини расмийлаштирумасдан оила бошлиqlарига уларнинг тадбиркорлик фаолиятида ёрдам берувчи оила аъзолари	991,2	1081,3	90,1	109,1
1.2.3.	Рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухксатсиз фаолият олиб борувчи тадбиркорлар	1425,5	1469,7	44,2	103,1

\*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Тадбиркорлик соҳасида иш билан бандлар сонининг ортиши мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона ислоҳотлар билан боғлиқ. 2015 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 февралдаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан

ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 26-сон Қарорига<sup>53</sup> асосан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш тартиби ўзгарди. Янги тартибга мувофиқ, 2015 йил 1 январдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек, фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўловнинг 2014 йилда амал қилган 25 фоиз ўрнига, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 15 фоизига teng бўлган ставкаси белгиланди.

2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида сугурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуки берилди<sup>54</sup>.

Яна жадвал маълумотларининг таҳлили республикада иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд аҳоли сонининг 2014 йилдаги 3989,1 минг кишидан 2015 йилда 4207,8 минг кишига ортганлигини кўрсатди.

Одатда иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд аҳолининг таркиби куйидагиларга бўлинади:

- номуайян, бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар;
- меҳнат муносабатларини расмийлаштирумасдан оила бошлиқларига уларнинг тадбиркорлик фаолиятида ёрдам берувчи оила аъзолари;
- рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухсатсиз фаолият олиб борувчи тадбиркорлар.

---

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 февралдаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 26-сон Қарори // [www.lex.uz/](http://www.lex.uz/)

<sup>54</sup> Ўзбекистон Республикаси президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсикларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4725-сон фармони // [www.lex.uz/](http://www.lex.uz/)

Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда республикада номуайян, бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчилар сони – 5,4 фоизга, меҳнат муносабатларини расмийлаштирасдан оила бошликларига уларнинг тадбиркорлик фаолиятида ёрдам берувчи оила аъзолари сони – 9,1 фоизга, рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли рухсатсиз фаолият олиб борувчи тадбиркорлар сони эса 3,1 фоизга ортган.

Сирдарё вилоятида 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сони 17789 тага етди. Уларнинг вилоят ҳудудий ички маҳсулот, чакана савдо айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдаги улуши муттасил ортиб бормоқда.

Вилоятда иқтисодиётнинг нодавлат секторида банд бўлган аҳоли сони ошиб бормоқда. Бугунги кунда унда 249,0 минг киши иш билан таъминланган. Кейинги уч йил мобайнида нодавлат секторида 15000 та қўшимча иш ўрни яратилди. Бу соҳада янги иш ўрнилари яратишда, айниқса Ховос, Боёвут, Мирзаобод, Сардоба туманлари, Ширин ва Гулистон шаҳарларида муҳим тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бир қаторда вилоятнинг Гулистон, Оқ олтин, Сайхунобод, Сардоба туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида янги иш ўрнилари яратиш масаласи бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Уларда иш билан банд бўлганлар сони камайиб кетган.

Иш билан бандлик муаммоларини ҳал этишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг аҳамияти ҳам жуда каттадир. Маълумотлар тараққий этган мамлакатларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60,0-80,0% , иқтисодиётда иш билан банд аҳолининг қарийб 70,0 % ни ташкил этади.

**2.1.3-жадвал. Сирдарё вилояти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иш билан бандлар, минг киши<sup>55</sup>.**

Вилоят туман ва шаҳарлари	2010 й.	2011й.	2015 й.	2010 йилга нисбатан 2015йилда, %
Гулистан шахри	18,8	19,7	21,3	113,3
Янгиер шахри	10,7	11,3	11,4	106,5
Ширин шахри	2,9	2,9	3,3	113,8
Оқ олтин тумани	19,2	17,8	17,8	89,6
Боёвут тумани	31,0	33,2	36,4	117,4
Гулистан тумани	25,7	19,9	17,8	69,3
Мирзаобод тумани	17,0	18,4	19,0	111,8
Сайхунобод тумани	20,7	21,5	19,4	93,7
Сардоба тумани	18,2	18,9	18,0	99,0
Сирдарё тумани	36,0	36,1	39,1	108,6
Ховос тумани	21,2	25,5	26,8	126,4
Вилоят бўйича	221,4	225,2	230,3	104,0

Сирдарё вилоятида 2015 йилда хизмат қўрсатиш ва сервис соҳасини 2008 йилга нисбатан 16,0 % га, шу жумладан савдо ва умумий овқатланишда – 19,0 %, транспорт хизмати қўрсатишка – 12,5 %, алоқа ва ахборотлаштиришка – 20,2 %, молия ва банк хизматларида – 15,6, %, экспурсия ва туристик хизматларда – 18,6 %, меҳмонхона хизматида – 10,6 %, коммунал ва майший хизматда – 22,8 %, автомобиль ва бошқа техникаларга хизмат қўрсатишка – 17,1 % ҳамда бошқа хизматларда 20,8 % ўсишга эришилди. Натижада хизмат қўрсатиш ва сервис соҳасининг худудий ички маҳсулотдаги салмоғи 32,9 % ни ташкил этди. Бу вилоятда 7228 та қўшимча иш ўрни яратилганлигини анлатади.

<sup>55</sup> Манба: Сирдарё вилояти статистика бошкармаси материаллари.

Ривожланган давлатлар тажрибаси касаначиликни ривожлантириш аҳолининг иш билан бандлиги даражасини оширишнинг муҳим омили эканлигидан далолат далолат беради. Бугунги кунда АҚШда 5,0 млн.дан ортиқ киши иш билан бандликнинг шу турига жалб этилган. Европа Иттифоқи мамлакатларида уй меҳнати билан шуғулланаётганлар сони 60,0 млн. кишидан кўпроқни ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони<sup>56</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу масала бўйича 2014 йил 11 январдаги қарори<sup>57</sup> асосида касаначилик орқали иш ўринларини ташкил этаётган хўжалик субъектлари учун имтиёзлар берилди. Жумладан, товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2016 йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод этилди.

Сирдарё вилоятида ҳам касаначилик асосида аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Кейинги уч йил ичида касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 8559 нафар киши иш билан таъминланди. Вилоят саноат корхоналари аҳоли билан ўзаро манфаатдор шартномалар асосида ишга муҳтож аҳолини иш билан таъминламоқдалар. Масалан, кейинги уч йил давомида “Гулистон экстракт ёғ” очик акциядорлик жамияти(ОАЖ)да 275, “Гулистон пахта тозалаш корхонаси” ОАЖда - 221, “Лола” МЧЖда - 215, “Бахт пахта тозалаш корхонаси” ОАЖда – 193, “Сардоба пахта тозалаш заводи” ОАЖда – 180,

<sup>56</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. 2006. 1-сон, 1-модда.

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. 2014. . 2-сон. 9-модда.

“Сардуна текстилс” қўшма корхонасида 156 нафар киши иш билан таъминланди.

Бозор иқтисодиётида янги иш жойлари яратиш шарт-шароитлари тубдан ўзгарди. Корхоналарни кенгайтириш, модернизациялаш катта маблағ талаб этмоқда. Фикримизча, иш жойларини яратиш ва сақлашнинг ҳудудий механизмини такомиллаштириш зарур. Янги иш жойлари яратиш каби мавжуд иш жойларини сақлаб қолиш ҳам иш билан бандликни таъминлашнинг муҳим йўналишидир. Мавжуд иш жойларини сақлаб қолиш куйидаги сабабларга кўра аҳамиятлидир:

биринчидан, янги иш жойи яратиш мавжуд иш жойларини сақлаб қолишга нисбатан анча қиммат;

иккинчидан, мамлакатда бўлгани каби ҳудуд иқтисодиёти учун ҳам мавжуд иш жойларини сақлаб қолиш ижтимоий аҳамиятга эга. Чунки, муайян иш жойларида ишлаётган ходимларни ишдан бўшатиш жамиятдаги ижтимоий тангликтин кучайтиради, қолаверса, ҳудудда бошқа иш жойи топиш осон эмас. Шунинг учун ҳам биз мавжуд иш жойларини сақлаб қолишни янги иш жойлари яратиш билан баравар кучга эга бўлган омил деб ҳисоблаймиз.

Олиб борган таҳлилларимиз янги иш жойлари яратиш ва амал қилаётган иш жойларини сақлаб қолишнинг барча йўналишлари инвестицияларни билвоста ва бевосита сарфлаш билан боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Бевосита инвестициялашда сармоя сарфлашдан асосий мақсад иш жойлари яратиш ёки мавжудларини сақлаб қолиш ҳисобланади. Масалан, санациялашнинг асосий мақсадларидан бири - иш жойларини сақлаб қолишидир.

Худди шунингдек, ишлаётган корхоналарда мавжуд ишлаб чиқариш кувватларини ошириш, янги ишлаб чиқариш обьектларини ишга тушириш бевосита инвестициялашнинг самарали йўналишларидан ҳисобланади.

Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар, айниқса аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ноҳор қисми:

- ва 2- гуруҳ ногиронлари;
- касбга эга бўлмаган 16 ёшгача ёшлар;
- 1 йилдан кўп муддатда ишсиз фуқаролар;
- жазо муддатини ўташ жойларидан озод қилинган шахслар;
- мактабгача ёшдаги ёки ногирон болаларни тарбиялаётган кўп болали ёки ёлғиз ота-оналар ва ҳоказолар учун янги иш жойлари яратган иш берувчиларни бевосита молиялаш хуқуқига эга бўлишлари муҳимдир.

Жамғарма маблағлари ҳисобига иш жойлари яратилган корхона ва ташкилотларда меҳнат шартномаси амал қиласиган даврда ходимни маъмуриятнинг ташаббуси билан ишдан бўшатиш молиявий ёрдам берган иш билан бандлик хизматининг рухсати билан амалга оширилиши кўзда тутилиши зарур. Шу билан бирга бундай корхона ва ташкилотларда бўшаган иш ўрнига меҳнат органларида ишсиз сифатида рўйхатда турган фуқароларни жойлаштириш тартиби ҳам амал этиши даркор.

Ўз-ўзидан тушунарлики, барча тузилган шартномалар бўйича молиявий ёрдамининг умумий миқдори бандлик хизмати бюджетининг ушбу бандидаги тегишли даврга белгиланган маблағларнинг умумий миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Иш ўринлари яратиш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли фойдаланганлиги юзасидан мониторинг ўтказишни ҳам ташкил этиш мумкин.

Мамлакатда турли тармоқлар ва худудлар бўйича билвосита рағбатлантиришга мисол бўлувчи катта тажриба мавжуд. Хусусан, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва мамлакатга олиб кириш борасидаги имтиёзлар илғор техника ва технолгояларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш билан боғлиқ соҳаларда иш жойлари яратишни рағбатлантиради.

Шу билан бир қаторда аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши тўғрисидаги Низомнинг 9-бандида ногиронлар жамоат ташкилотлари ва таълим муассасалари қошидаги ишлаб чиқариш ва ўқув-ишлаб чиқариш корхоналарининг бу жамғармага тўловлардан озод қилинганлиги шу соҳаларда иш жойлари яратишни рағбатлантиради.

Фикримизча, қайд этилган бор-йўғи учта тоифадаги корхоналар рўйхатини янада кенгайтириш мумкин. Бунинг учун имтиёз бериладиган корхоналар ( яъни жамғармага ажратма тўловчи корхоналар) зиммасига имтиёз туфайли озод бўладиган пул воситаларини айнан иш жойлари яратишга сарфлаш шартини қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар томонидан битта иш жойининг тармоқлар, ҳудудлар бўйича ўртacha стандарт қиймати ҳар йили, инфляция даражаси ҳисобга олиниб ўрнатилиши, бу белгиланган қийматдан камроқ маблағ сарфлаб кўпроқ иш жойлари яратган корхоналар рағбатлантирилиши керак.

Шу билан бирга янги иш жойлари яратишни танлов асосида амалга оширишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳам мақсадга мувофиқдир<sup>58</sup>.

## **2.2. Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишни тақомиллаштириш**

Мамлакатни янада тараққий эттириш ҳудудларнинг ривожланиши даражасига боғлиқлиги яхши маълум. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Каримов И.А. таъкидлаганидек: «Стратегияни амалга оширишда

---

<sup>58</sup> Зокиров К. Иш жойларини яратиш ва саклашнинг ҳудудий механизми// -Т.: Ж. Бозор, пул ва кредит. 2013. 1-сон. – 44-45 б.

унинг ҳудудий жиҳати ҳам муҳим. Чунки, фақат иқтисодий жиҳатдан суст ривожланган минтақаларда инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш йўли билангина бу минтақаларга кўшимча қўйилмалар жалб этиш, кишилар турмуш даражасида вужудга келган ҳудудий номутаносибликларни бартараф этиш, ресурс ва ишлаб чиқариш потенциалидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш мумкин»<sup>59</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони мамлакат ҳудудларини ривожлантиришнинг ягона комплекс стратегиясини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этди [ ].

Мазкур хужжатда қуидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

- минтақада мавжуд табиий, минерал-хомашё ва ер-сув салоҳиятидан самарали ва оқилона фойдаланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш;
- минтақадаги демографик аҳволни, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал қилиш даражасини баҳолаш;
- ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг иқтисодий ривожланиш даражасини танқидий таҳлил қилиш, минтақалар ривожланишининг комплекслиги ва мувозанатлашганлигини, яратилган иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;
- бозор инфратузилмаси, транспорт тармоғи ва муҳандислик–коммуникацион тизимлар (энергетика, иссиқлик таъминоти, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш) ривожланиш даражасини баҳолаш;
- минтақаларнинг молиявий барқарорлиги (ўз-ўзини таъминлаш даражасини, маҳаллий бюджетлар дотационлиги сабаблари ва омиллари, инвестицион ресурсларни шакллантириш манбалари) даражасини баҳолаш;

---

<sup>59</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон. 1995.-52 б.

- аҳоли турмуш даражасини, ижтимоий инфратузилма ва хизматлар соҳасининг ривожланниши даражасини таҳлил қилиш.

Бугунги кунда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлаштиришдан жадал иқтисодий ўсиш суръатларига ўтиш вазифаси турибди.

Хусусан, Сирдарё вилоятининг ресурс салоҳиятидан ўрта муддатли истиқболда самарали фойдаланишни таъминлаш ҳисобига минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш суръатлари, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган стратегия белгилаб олинди ва амалга оширила бошланди.

Ушбу устувор йўналишлар орасида аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш алоҳида аҳамиятга эгалиги яхши маълум. Мазкур муаммони ҳал этишда вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Сирдарё вилояти мамлакат жами меҳнат ресурсларининг 2,6 % ни ташкил этгани ҳода бу меҳнат ресурсларининг 68,2 % қишлоқ жойларида истиқомат қиласиди. Аммо бу ерларда ҳозирча иш кучи таклифини қондириш учун имкониятлар етарли эмас.

2015 йилда мамлакатда иш кучи таклифининг 74,2 % ни қишлоқ меҳнат бозори ташкил этди. Бу таклифнинг 79,2 % Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан қондирилди. Аммо қишлоқдаги иш кучининг 19,8 % ни иш билан таъминлаш имкони бўлмади. Сирдарё вилоятида эса бу кўрсаткич 21,3 % ни ташкил этди.

Вилоятни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланар экан мазкур муаммони ҳал этишга алоҳида эътибор талаб этилади. Вилоят аҳолисини иш билан таъминлаш дастурида бу ҳисобга олинган. Жумладан, қишлоқ жойларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сон қарори асосида қишлоқ

аҳолисини чорва моллари ва уларга озуқа билан таъминлаш чора-тадбирлари кўриляпти. Шунингдек, қишлоқ жойларида, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга эътибор кучайтирилган.

Вилоятда ҳар йили аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури ишлаб чиқилади. Унда янги иш ўрнилари яратиш, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни янги касбларга ўқитиш ва бошқа чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш меҳнат бозоридаги иш кучи мутахассислиги, касби, малакасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мамлакатда иқтисодиётнинг реал секторида талаб қилинаётган мутахассисликларни ҳисобга олган ҳолда таълим муассасаларида уларни тайёрлаш режаларига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Жумладан 2008 йилнинг ўзида касб-хунар коллажлари тизимида 80 та ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлаш тўхтатилди, олий таълим тизимида эса 90 та янги ихтисослик жорий қилинди. Бу тадбир-чоралар Сирдарё вилоятида ҳам амалга оширилди.

Фикримизча, ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиқсан ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларида бу каби ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда уларни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд. Шуни ҳисобга олган ҳолда биз вилоят туман ва шаҳарларидаги Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказларнинг мазкур йўналишдаги фаолияти тўғрисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ходимларининг фикрини аниқлаш мақсадида улар ўртасида социологик сўров ўтказдик.

Сўровда Гулистан, Ширин, Янгиер шаҳарлари, Боёвут ва Сирдарё туманларидаги 10 та қўшма корхоналар, маъсулияти чекланган жамият, хусусий корхона ходимларидан 173 нафари иштирок этди. Уларнинг 95 нафари ёки 55,0 % аёллардир. Респондентларнинг 42 нафари (24,3 %) олий

маълумотга, 121 нафари (70,0 %) ўрта маҳсус, қолганлари умумий ўрта ва тўлиқиз ўрта маълумотга эгалар. Сўровда қатнашганларнинг 34 нафари (19,7 %) 30 ёшгача бўлганлар, 86 нафари (49,7 %) 30-50 ёшдагилар, 43 нафари (24,9%) 50-60 ёшгача бўлганлар, қолганлари 60 ёшдан юқоридагилардир. Респондентлардан иш топиш учун кимга мурожаат қилганликлари тўғрисидаги саволга жавоблари аҳоли Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятидан яхши хабардор эмасликларидан яққол далолат беради. Уларнинг фақат 16 нафари (9,8 %) иш топиш учун бевосита ана шу ташкилотга мурожаат этганлар. Социологик сўров аҳолини иш билан таъминлашда мазкур ташкилотлар томонидан мунтазам ўтказиб келинаётган бўш иш жойлари ва вакант лавозимлар меҳнат ярмаркалари самарадорлиги талаб даражасида эмаслигини кўрсатди. Шунингдек, Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар мавжуд иш ўрнилар ҳақида аҳолини хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам етарлича фойдалана олаётганлари йўқ. Мамлакатда замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш учун барча зарур чоралар кўрилаётган бир пайтда респондентларнинг фақат 2 нафари (0,1 %) Интернет орқали иш қидирганлиги ҳам ушбу масаладаги жиддий муаммоларни ифода этади.

Иш берувчилар ўзларининг иш кучига талабни қондириш бўйича кўраётган чора-тадбирлари ҳам диққатга сазовор. Биз кичик бизнес субъектларига тааллуқли ушбу қўшма ва хусусий корхоналар, маъсулияти чекланган жамиятлар раҳбарлари(10 нафар)га шу савол билан мурожаат этганимизда, уларнинг ҳаммаси бўш иш ўрнилари ва вакант лавозимлар мавжуд бўлганда ўрнатилган тартибда туман ва шаҳар Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказларга тегишли маълумотларни тақдим қилишларини билдирилар.

**2.2.1-жадвал. Сирдарё вилоятининг социологик сўровга жалб этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари.**

Кичик бизнес субъектлари	Фаолият тури	Персонал сони	Сўровда иштиrov этганлар сони
Гулистон шаҳридаги “MILI GULISTON TEXTILE” Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси	Ип-газлама ишлаб чиқариш	20	16
Гулистон шаҳридаги “Металлург-ТТМЗ” маъсулияти чекланган жамият	Иккиламчи кора металлни қайта ишлаш	14	11
Ширин шаҳридаги “Тўмарис – Ширин – Нур” маъсулияти чекланган жамият	Буюртма асосида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	15	10
Янгиер шаҳридаги “Янгиер махсус мебель” маъсулияти чекланган жамият	Мебель ишлаб чиқариш	22	17
Боёвут туманидаги “Ховос сут савдо” маъсулияти чекланган жамият	Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш	11	9
Боёвут туманидаги “Хоразм маликаси” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси	Гилам буюмлари ишлаб чиқариш	24	19
Боёвут туманидаги “Малика Фахридинова” хусусий фирмаси	Тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	15	12
Сирдарё туманидаг “Бархан” маъсулияти чекланган жамият	Қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	35	28
Сирдарё туманидаги “Бахт-мой инвест” хусусий корхонаси	Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш	15	11
Сирдарё туманидаги “Бахтсельмаш” Ўзбекистон-Россия-Белоруссия қўшма корхонаси	Қишлоқ хўялиги машиналарини таъмирлаш	47	40

Лекин мулк эгаларининг бирортаси корхона муҳтож бўлган мутахассис ёки тегишли малакали ишчи учун бевосита бу марказларга буюртма бермаган.

Ана шундай зарурат туғилганда иш берувчиларнинг 6 нафари (60,0 %) ҳамкасларига ёки таниш-билишларига, 3 нафари (30,0 %) ўз ташкилоти ходимларига, 1 нафари (10,0) оммавий ахборот воситаларидағи эълонларга мурожаат қилишини билдириди.

**2.2.2-жадвал. Сўровномадаги “Иш танлашда нимани инобатга олгансиз?” саволига респондентлардан олинган жавоблар**

Саволга олинган жавоблар	Респондентлар умумий сонига нисбатан % ҳисобида
Иш ҳақи миқдори	75,3
Корхонанинг турар жойга яқинлиги	9,6
Ижтимоий шароитларнинг мавжудлиги	5,8
Дўстларимнинг маслаҳати	5,1
Оилавий анъана	2,6
Жавоб беришга қийналаман	1,6

Жадвалда келтирилган маълумотлар бугунги кунда иш жойи танлашда иш ҳақи миқдори ҳал қилувчи роль ўйнашини исботлаб турибди. Транспорт ҳаражатларининг ортганлиги, корхоналар ўз ишчи-хизматчиларини ишга олиб келиш ва уйларига олиб бориб қўйиш имкониятларига эга эмаслиги иш жойининг ходим турар жойига яқинлигини аҳамият жиҳатидан иккинчи ўринга кўтарган.

Кичик бизнес субъектларида меҳнат қилувчилар корхоналарда ижтимоий шароитлар яратилиши муҳимлиги масаласига етарлича аҳамият қаратмаганлар. Бу, бир томондан, микрофирмалар, хусусий тадбиркорлик субъектларида ишловчиларга ижтимоий шароитлар яратиш имкониятлари жуда чекланганлиги, иккинчи томондан, аввал мавжуд бўлган имтиёзлар йўқлиги билан изоҳланади.

Респондентлар жавобларига кўра, иш танлашда оилавий анъана нуфузи камайиб бораётганлиги, фикримизча, иқтисодчи олимларнинг ҳам, амалиётчиларнинг ҳам алоҳида эътиборини тортиши зарур бўлган масаладир. Касб-хунар сулолаларига содиқлик халқимиз менталитетига хос энг муҳим фазилатлардан биридир. Бу анъаналарни ривожлантириш, кенг тарғиб этиш,

касб-хунарга ўргатишнинг “устоз-шогирд” усулини ҳар тарафлама қўллаб-куватлаш бўйича кўзда тутилган тадбирларни кейинги йилларда ҳам давом эттириш керак, деб ҳисоблаймиз.

**2.2.3-жадвал. Сўровномадаги “Фикрингизча, янги иш ўрниларини кўпайтириш учун қайси чораларни кўриш керак?” саволига олинган жавоблар.**

Саволга олинган жавоблар	Респондентлар умумий сонига нисбатан % ҳисобида
Ишламаётган ёки тўла қувват билан ишламаётган корхоналарни ишга тушириш, улар қувватини оширишни йўлга қўйиш керак	11,9
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш керак	24,6
Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш керак	21,3
Касаначиликни ривожлантириш керак	12,7
Фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш керак	5,7
Чет эл инвестицияларини жалб қилиш керак	17,6
Хорижий мамлакатлар билан меҳнат миграциясини йўлга қўйиш керак	16,2

Сўровномадаги янги иш ўрниларини кўпайтириш учун қайси чораларни кўпайтириш керак, деган саволга олинган жавоблар таҳлили респондентларнинг муаммога бозор муносабатлари нуқтаи назаридан ёндошганликларидан далолат беради. Чунончи уларнинг атиги 11,9 % бугунги шароитда собиқ йирик корхоналарни яна тўлиқ куч билан ишга туширишга ишонади. Янада эътиборлиси ишламаётган корхоналарни ишга тушириш, қувватини ошириш керак, деб ҳисоблаётганларнинг аксарияти – 95,0 % 50 дан 60 ёшгacha бўлган ходимлардир. Яъни авваллари ана шу корхоналарда ишлаган, ёки улар фаолиятидан хабардор шахслардир. Шу билан бирга янги иш ўрниларини кўпайтириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тарафдорларининг асосий қисми – 75,6 % 30 ёшгacha бўлганлардир. Бу ҳозир иш билан банд бўлган ёшлар

орасида ҳам ўз бизнесини йўлга қўйишга иштиёқмандлар кўплигидан далолат беради.

Иш билан бандлик муаммоларни ҳал этишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг аҳамиятига юқори баҳо берганларнинг кўпчилиги – 63,7 % қишлоқ жойларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари меҳнат жамоалари аъзоларидир. Шунинг учун ҳам мамлакатда мазкур соҳани, айниқса қишлоқ жойларида ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Шу билан бирга қишлоқларда истиқомат қилувчилар фермер ва дехқон хўжаликларида янги иш ўрниларини кўпайтириш имкониятлари чекланган, деган фикрдалар. Бу, биринчидан, мазкур фикрдагиларнинг нисбатан кам сонлиги (5,7 %), иккинчидан, шу фикрни қўллаб-қувватлаганларнинг атиги 36,2 % қишлоқ аҳолиси вакиллари эканлигидан англашиланади.

Янги иш ўрнилари яратиш учун мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини киритиш зарурлигига ишонч билдираётганлар кўпчилиги олий маълумотли (72,1%) ҳамда ўрта маҳсус маълумотлилар(62,3 %)дир.

Меҳнат миграцияси бўйича хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш тарафдорларининг аксарият қисми (90,0%) қишлоқда яшовчилардир.

Бу, умуман, тушунарлидир. Чунки бевосита қишлоқ жойларида иш кучи таклифи унга талабга нисбатан анча юқори ва улар чет элларда меҳнат қилиш кўпроқ даромад топиш имконини беради, деган фикрдалар.

Янги иш ўрнилари яратишда касаначиликни ривожлантириш аҳамияти респондентлар томонидан муносаб баҳоланмаганлиги, фикримизча, иш билан бандликнинг бу тури ҳозирча худудларда, шу жумладан Сирдарё вилоятида ҳам кенг ёйилмаганлиги билан изоҳланади. Бу касаначиликни ривожлантиришда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг туман ва шаҳарлардаги хизматлари ҳозирча талаб даражасида фаол иш олиб бормаётганларни ифодаси ҳамдир.

Олиб борилган тадқиқотлар, шу жумладан ўтказилган социологик сўров натижаларини таҳлил этиш натижасида биз Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари худудий дастури доирасида аҳолини иш билан таъминлаш комплекс дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Унда қуидагилар кўзда тутилади:

- вилоятда иш билан бандликни таъминлашнинг устувор йўналишлари;
- вилоятда иш кучига бўлган талаб ва унинг таклифини тартибга солиш бўйича устуворликлар;
- вилоятда аҳолини, айниқса ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилишни тақомиллаштириш устувор йўналишлари;
- ҳудудий меҳнат бозори инфратузилмаларини тақомиллаштириш омиллари.

Аҳолини иш билан таъминлаш комплекс дастури иш кучига талабни ошириш, иш кучи таклифини, айниқса қишлоқ жойларидағи иш кучи таклифини камайтириш, янги иш жойлари яратиш, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига янги иш жойлари яратишни қўпайтириш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қисми учун квоталанган янги иш ўрнилари яратадётган иш берувчиларни рағбатлантириш, уларга кредит бериш, солиққа тортишда имтиёзлар бериш, меҳнатга муҳтоҷ аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, корхона, ташкилот ва муассасалардаги бўш иш жойлари ва вакант лавозимларнинг доимий мониторингини олиб бориш, бундан аҳолини тезкор хабардор қилиш тизимини йўлга қўйиш, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа дастурларни мужассамлаштириши кўзда тутилади. Мазкур ҳар бир дастур мақсад ва вазифалари, улар ижросини таъминлаш манбалари вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устувор йўналишлари дастурида ўз ифодасини топиши керак.

Комплекс дастур истиқболли (камида беш йил муддатга мўлжалланган) бўлиши лозим. Шу ҳолда вилоятда демографик вазият, ижтимоий-иқтисодий

ривожланиш режалари, аҳоли миграцияси ҳисобга олинган ҳолда аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган йирик лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш механизмларини шакллантириш, ижросини таъминлаш мониторингини йўлга қўйиш имкониятлари кенгаяди.

Аҳолини иш билан таъминлаш комплекс дастурини амалга оширишнинг молиявий манбалари куйидагилар бўлиши мумкин:

- вилоят ҳамда туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг маблағлари;
- иш билан бандликка кўмаклашиш жамғармасининг маблағлари;
- иш билан бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг мақсадли тушумлари;
- бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг жалб этилган маблағлари;
- кредит маблағлари;
- амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа тушумлар.

Аҳолини иш билан таъминлаш комплекс дастури самарадорлиги унинг таркибий қисми ҳисобланган ҳар бир дастур ижросининг амалий натижалари, айниқса иш кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги фарқ динамикаси, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик даражаси кўрсаткичларига қараб баҳоланиши керак.

### **2.3. Сирдарё вилоятида аҳолини иш билан таъминлашни бошқаришни тақомиллаштириш йўналишлари**

Ўзбекистон Республикасида инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёsat олиб борилиши мамлакат ҳамда ҳудудий меҳнат бозорларида иш кучи таклифи ва унга талабни тартибга солиш бўйича ижобий натижаларга эришиш имконини берди. Чунончи, Сирдарё вилояти туман ва шаҳарларида:

1. Янги иш ўрнилари ташкил қилиш бўйича кенг кўламли тадбирларнинг оширилиши худудий меҳнат бозорида меҳнатга муҳтож аҳоли сони муттасил камайиб боришини таъминламоқда. Бу борада, айниқса, Сирдарё, Ховос, Сайхунобод, Гулистон туманлари Иш билан бандликка қўмаклашувчи марказлар фаолияти самарали бўлмоқда.

2. Сирдарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда туман ва шаҳарлардаги Иш билан бандликка

**2.3.1-жадвал. Сирдарё вилояти шаҳар ва туманларида меҳнатга муҳтож аҳоли сони динамикаси (минг киши хисобида)<sup>60</sup>.**

Вилоят туман ва шаҳарлари	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
Гулистон шаҳри	1,2	1,2	1,2	1,2
Ширин шаҳри	0,3	0,3	0,3	0,3
Янгиер шаҳри	0,5	0,5	0,5	0,5
Боёвут тумани	1,6	1,6	1,6	1,6
Гулистон тумани	0,9	0,9	0,8	0,8
Мирзаобод тумани	0,9	0,9	0,9	0,9
Оқолтин тумани	1,1	1,1	1,0	1,0
Сайхунобод тумани	1,1	1,1	1,0	1,0
Сардоба тумани	1,1	1,1	1,1	1,1
Сирдарё тумани	2,2	2,1	2,1	2,1
Ховос тумани	2,2	2,2	2,1	2,1
Вилоят бўйича	13,1	12,9	12,8	12,7

кўмаклашувчи марказлар худудда демографик ривожланиш тенденцияларини чукур таҳлил этиш, илмий асослаш натижасида меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли сони қўпайиши башорат қўрсаткичларини

<sup>60</sup> Манба: Сирдарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари.

ишлаб чиққанлар ҳамда янги иш ўринлари яратиш режаларини белгилаб, уни амалга оширмоқдалар.

Макроиктисодий барқарорликни таъминлашни асосий шартларидан бири бу аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳисобланади. Аҳолининг турмуш даражасини тавсивловчи кўрсаткичлардан бири бу ташкил этган оилаларнинг сонидан. Ҳудудда никоҳдан ўтган оилалар сони 7,2 минг оилани ва ажралишган оилалар 0,8 минг оилани ташкил этди.

### **2.3.2-жадвал. Асосий демографик кўрсаткичлар ва меҳнат ресурслари**

(2016 йил 1 январига; минг киши)

Умумий аҳоли сони	790,6	Меҳнат ресурслари	464,1
шу жумладан: – шаҳар аҳолиси	341,4	Шу жумладан, иқтисодий фаол аҳоли	365,3
– қишлоқ аҳолиси	449,2	Шундан, иқтисодиётда банд бўлганлар	350,9
Умумий аҳоли сонидан: – эркаклар	397,2	Улардан: – саноатда	33,7
– аёллар	393,4	– қишлоқ хўжалигига	154,5
Аҳолининг табиий ўзгариши: – туғилганлар	17,9	– курилишда	19,9
– вафот этганлар	3,7	– транспорт ва алоқа соҳасида	24,8
Аҳоли миграцияси: – кўчиб келганлар	6,8	– савдо ва умумий овқатланишда	27,8
– кўчиб кетганлар	7,3	– маданият, маориф ва фан	39,1
Аҳоли турмуш даражаси:		– соғлиқни сақлашда	23,7
– никоҳдан ўтган оилалар, оила	7,2	– уй-жой коммунал хўжалигига	8,5
– ажралишган оилалар, оила	0,8	– бошқа соҳаларда	18,9

Меҳнат ресурсларининг умумий сони 464,1 минг кишини, шу жумладан, иқтисодий фаол аҳоли эса 365,3 минг кишини ташкил этди. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 350,9 минг кишини, шундан саноатда 33,7, қишлоқ хўжалигига 154,5, курилишда 19,9, транспорт ва алоқа соҳасида 24,8, савдо ва умумий овқатланишда 27,8, маданият, маориф ва фан 39,1, соғлиқни сақлашда 23,7, уй-жой коммунал хўжалигига 8,5 ва бошқа соҳаларда 18,9 минг кишини ташкил этди.

2016 йил 1 январ ҳолатиги вилоятда асосий демографик кўрсаткичлар ва меҳнат ресурслари 790,6 минг кишини ташкил этди. Шахарларда, жумладан, Гулистан шаҳрида 86,5, Ширин шаҳрида 18,2, Янгиер шаҳрида 39,9 минг кишини ташкил этди. Туманларда, жумладан, Боёвут тумани 120,9, Гулистан тумани 66,4, Мирзаобод тумани 66,8, Оқ-олтин тумани 48,5, Сардоба тумани 61,3, Сайхунобод тумани 72,1, Сирдарё тумани 120,6 ва Ховос тумани 89,4 кишини ташкил этди.

### **2.3.3-жадвал. Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар**

(2015 йил; млрд.сўм)

Саноат маҳсулоти	2820,6	Курилиш ишлари	478,9
Истеъмол моллари	1135,3	Хизматлар	983,3
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	1700,5	Чакана товар айланмаси	1246,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1000,2	Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	371,6
		шу жумладан, майший хизматлар	22,8

Вилоятнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари тўғрисида тўхталадиган бўлсақ, 1 январь 2016 йил ҳолатига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2810,6 млрд.сўм, истеъмол молларини ишлаб чиқариш 1135,3 млрд.сўм, қишлоқ хўжалиги маҳсулот ларини ишлаб чиқариш 1700,5 млрд.сўм, асосий капиталга киритилган инвестициялар 1000,2 млрд.сўм, қурилиш ишлари 478,9 млрд.сўм, хизматлар 983,3 млрд.сўм, чакана савдо айланмаси 1246,5 млрд.сўм, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 371,6 млрд.сўм, шу жумладан, майший хизматлар 22,8 млрд.сўмни ташкил қилган.

Фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркибини таҳлил қиласидиган бўлсақ, саноат корхоналарининг сони 1038 тани, шундан йирик корхоналар 17 тани, қишлоқ хўжалиги корхоналари 7137 тани, шундан йирик корхоналар 8 та, транспорт ва алоқа корхоналари 406 та, шундан йирик корхоналар 7 та, қурилиш ташкилотлари 709 та, шундан йирик корхоналар 7 та, савдо ва

умумий овқатланиш ташкилотлари 2410 та, шундан йирик корхоналар 13 та, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари 559 та, майший хизмат кўрсатиш ташкилотлари 78 та, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ташкилотлари 340 та, шундан йирик корхоналари 86 та, халқ таълими муассасалари 633 та, шундан йирик корхоналар 453 та, бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари 1101 та, шундан йирик корхоналар 67 тани ташкил этди.

Хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонилама қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш бўйича чора тадибрларни амалга оширилиши 2016 йилда 32 мингтага яқин ёки 2015 йилга нисбатан 18 фоизга кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилинди. Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги хиссаси 56,9 фоизгача, саноатда эса 45 фоизгача ошди.

Ижобий таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари туфайли аҳолининг реал даромадлари 11 фоизга ошди.. бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 15 фоизга, пенсия ва ижтиомий нафақалар – 12,1 фоизга, аҳоли жон бошмга реал даромадлар – 11 фоизга ўсди. 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг коллеж битиравчисининг бандлиги таъминланди.

2017 йилда ҳудуд ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг қўйидаги энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб берилди.

1. Корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур. Бунинг учун ҳар йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кўпроқ жалб қилиш орқали уларни ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни харид қилиш имкониятларини ошириш туман ва шаҳар ҳокимликлари, тегишли вилоят ташкилотлари раҳбарларининг биринчи галдаги вазифалари ҳисобланади.

2. Ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, импорт товарлардан сифати юқори, нархи эса арzon маҳсулотлар билан тўлдириш, юртдошларимизнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш. Бунинг учун мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва қайта жихозлаш, минитехнологиялар келтириш хисобига маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик саноат корхоналарни қўпайтириш, 2017 йилда қабул қилинган озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарни ташкил этишини изчиллик билан амалга оширишимиз зарур. 2017 йилда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 40 фоизга ўсиши, шу борада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши еса камида 12 фоизни ташкил қилиши лозим.

4. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўтган йилдаги 74,1 фоиздан 2017 йилда 74,2 фоизга етказиш.

Вилоятда 2016 йилда эришилган натижаларни танқидий таҳлил қилган ҳолда, юртбошимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатни 2017 йилда ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда истиқболда вилоят иқтисодиёти тармоқларини ва аҳоли бандлигини таъминлашни ривожлантиришда бир неча омилларга алоҳида устуворлик берилиши лозим.

Миграция тизимидағи муаммоларни ҳал этиш, вилоят аҳоли бандлигини янада ошириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича қўйидагиларни амалга ошириш таклиф қилинади:

- 1) Вилоят асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бўлиб, меҳнатга лаёқатли, лекин ишсиз фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қиласи. Қайд этилгандан келиб чиқсан ҳолда, уларни доимий иш билан таъминлаш мақсадида, мамлакатимиздаги йирик тадбиркорларни ёки хорижий сармояларни жалб этиб, қўшма ёки кичик корхоналар ташкил этиш орқали қўшимча ишчи ўринларини яратиш.

2) Вилоят ҳудудидаги қишлоқ хўжалигига ва саноат ишлаб чиқаришига мўлжалланган мавжуд корхона ва ташкилотларнинг фаолият юритишини сақлаб қолган ҳолда, уларда меҳнат қилаётган фуқароларимизни ишлаши учун ҳар томонлама, шунингдек, ойлик маошларини ўз вақтида тўланиши учун шароит яратиш. Бунинг учун эса вилоятдаги ушбу обьектларнинг ноқонуний равишда хусусийлаштирилиб, мол-мулкларини четга сотиб юборилишини олдини олиш ҳамда вилоятдаги улгуржи ва чакана савдо-сотик тизимини мунтазам равишда тартибга солиб, ички имкониятлар орқали, пул эмиссия даражасини камайтириб бориш лозим.

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706-сонли Фармони асосида, айниқса қишлоқ жойларида, касаначилик (уй) меҳнатини ривожлантириш, шу орқали янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига аёллар бандлигини хам таъминлаш лозим. Бунинг учун тижорат банклари ва иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан бериладиган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланиш керак.

4) Аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида шахсий ёрдамчи хўжаликларда, дехқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар боқиши ва уларнинг бош сонини кўпайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича хукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қолаверса, бандликнинг ушбу омили энг кам сармоя талаб қиласи. Уларни иқтисодий жараёнларга тўлақонли жалб этиш учун бундай субъектлар фаолият кўрсатишини кенгайтириш зарур.


5) Ноқонуний миграцияни олдини олиш учун маҳалла кенгашлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Истиқболли авлод” нодавлат ташкилоти, хотин-қизлар қўмиталари, оммавий ахборот воситаларининг

имкониятларини жалб этиш. Улар орқали жойларда кенг қамровли огоҳлантириш-тушунтириш тадбирларини олиб бориш. Шунингдек, ушбу тадбирларга маҳаллий аҳоли орасида алоҳида обрў-эътиборга, ижобий таъсир кўрсатишга эга бўлган фуқароларни ҳам жалб этишга қаратиш.

Истиқболда мўлжалланган ҳудуд иқтисодий сиёсатининг бош мақсади - вилоят аҳолиси учун етарлича турмуш шароитларини яратиш, ижтимоий муаммоларни изчил ҳал этишнинг асоси сифатида вилоят иқтисодиётининг узоқ муддатли барқарор ўсишини таъминлаш ва шу асосда вилоятнинг республика иқтисодиётидаги ўрнини мустаҳкамлашдан иборатдир. Вилоят иқтисодиётидаги амалга оширилаётган чуқур тузилмавий ўзгаришларнинг асосий устувор вазифалари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- корхоналарни қайта ташкил этиш жараёнларини чуқурлаштириш, инвестицион маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, асосий фонdlар эскиришининг салбий суръатларини бартараф этиш;
- вилоятнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, экспортнинг хом-ашёга йўналтирилганлигини бартараф этиш;
- замонавий алоқа ва ахборот узатиш тизимларини ҳисобга олган ҳолда, вилоятда ишлаб чиқариш, молия ва бозор инфратузилмаларини, фонд бозорларини ривожлантириш;
- бозорларни биринчи навбатда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан тўлдирилишини таъминлаш, республикамизнинг озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлашда вилоятнинг ўрнини кенгайтириш;
- янги иш ўринларини яратиш, аҳоли истеъмоли ва реал даромадларининг ўсиши, жамиятда барқарорлик кафолати бўлган ўрта мулкдорлар синфини вужудга келтиришга йўналтирилган фаол ижтимоий сиёsat ўtkазиш;

- вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг алоҳида ўрин тутишини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш.



**З-расм. Сирдарё вилоятида аҳолини иш билан таъминлашни бошқариш принциплари**

Шу билан бир қаторда ҳудудий меҳнат бозорларидаги вазият аҳолини иш билан таъминлашни бошқаришни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Айниқса қишлоқ жойларидаги меҳнатга муҳтоҷ аҳолини аниқлаш бўйича доимий мониторингни йўлга қўйиш жуда муҳимдир. Ҳозирча қишлоқ туманларидаги Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар бу йўналишда тегишли амалий услубларга эга эмаслар. Уларда айниқса замонавий ахборот технологияларни жорий этиш жуда муҳимдир.

Сирдарё вилоятида аҳолини иш билан таъминлашда муҳим тадбирлар оширилаётган бўлса ҳам ҳудудий меҳнат бозоридаги , айниқса қишлоқ туманлари меҳнат бозоридаги вазият, иш кучи таклифининг унга талабга нисбатан муттасил ортиб бориши мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришни талаб қиласди. Юзага чиқаётган муаммоларни самарали ҳал этиш учун, фикримизча, уларга комплекс ёндошишни талаб этади. Шу муносабат билан қуидагиларни таклиф этамиз:

1. Вилоят аҳолисини иш билан таъминлашнинг устувор йўналишлари (2017-2021 йилларга мўлжалланган) дастурининг ижросини таъминлаш фақат иш билан бандликка кўмаклашувчи марказларнинг эмас, балки вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари, улар хизматлари, жамоат бирлашмаларининг асосий вазифаси сифатида белгилаш. Уларнинг фаолияти самарадорлигини аҳолининг иш билан таъминланганлиги даражасига қараб баҳолашни йўлга қўйиш.

2. Амалдаги қонунчиликка Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар томонидан битта иш жойининг тармоқлар, ҳудудлар бўйича ўртacha стандарт қийматини ҳар йили, инфляция даражаси ҳисобга олиб ўрнатиш, бу белгиланган қийматдан камроқ маблағ сарфлаб кўпроқ иш жойлари яратган корхоналарни рағбатлантириш ҳамда Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига янги иш жойлари яратишни

танлов асосида амалга оширишни кўзда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш таклифини тайёрлаш.

3.Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши тўғрисидаги Низомга бу жамғармага тўловлардан озод қилинган корхоналар рўйхатини янада кенгайтириш, бундай имтиёз бериладиган корхоналар зиммасига имтиёз туфайли ўзларида қоладиган пул воситаларини айнан иш жойлари яратишга сарфлашни кўзда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни таклиф этиш.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Аҳолининг иш билан бандлиги жамиятдаги ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг давлат томонидан тартибга солинишининг асосий ва энг муҳим обьекти ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги мезонларининг энг асосийси ҳам аҳолининг иш билан бандлиги даражасидир.

Ўзбекистон Республикасида кенг кўламли чуқур ислоҳотлар амалга оширилар экан, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқаролар турмуш даражасини оширишнинг энг қудратли воситаси сифатида энг аввало инсон салоҳиятини тўла ишга солишга эътибор қаратилди.

Шу билан бирга мамлакатда, хусусан Сирдарё вилоятидаги демографик вазият – аҳоли сонининг муттасил ўсиши ҳисобига меҳнат ресурсларининг ортиб бораётганлиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар иш кучига талабни нисбатан камайтирганлиги янги иш ўрнилари яратиш барча имкониятларини тўла ишга солишни ҳаётий зарурат, энг муҳим ижтимоий муаммога айлантиromoқда.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида биз қуйидаги илмий хулосаларга келдик:

1. Сирдарё вилоятининг худудий меҳнат бозори ижтимоий-иктисодий категория сифатида ўз хусусиятларига эгадир. Бу, энг аввало, худуднинг меҳнат ва табиий ресурслари, жўғрофий, демографик ўзига хослиги, ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши ва жойлашиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, уй меҳнати, айниқса касаначиликни жадал суръатларда ривожлантириш шарт-шароитлари билан боғлиқdir.

2. Худудий меҳнат бозорида иш кучи таклифи ва унга талабни тартибга солишда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, туман ва шаҳар Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар

фаолияти, Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат маблағлари ҳаражатлари самарадорлигини баҳолашнинг илмий асосланган услубини амалиётга жорий этиш.

3.Аҳолини иш билан таъминлашни бошқаришни янада такомиллаштириш мақсадида иш берувчиларнинг янги иш жойлари яратишдан манфаатдорлигини ошириш механизмларини, аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларини янада такомиллаштириш чоратадбирларини қўриш.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Сирдарё вилоятининг ҳудудий меҳнат бозорида аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш бўйича, фикримизча, қуидагилар амалга оширилиши лозим:

1.Сирдарё вилоятида мавжуд меҳнат ва табиий ресурслар, ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қўшимча инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, янги иш жойларини ташкил этиш, аҳолининг иш билан бандлиги даражасини оширишга асос бўлувчи чуқур ижтимоий-иқтисодий ва таркибий ислоҳотларни амалга ошириш.

2.Илмий асосланган демография прогнозлари, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устувор йўналишларининг истиқболли режаларини аниқ ҳисобга олган ҳолда аҳолини иш билан таъминлашнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш, Мазкур комплекс дастур ижросини таъминлаш биргина вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, туман ва шаҳарлардаги иш билан бандликка кўмаклашувчи марказларнинг эмас, шунингдек вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, улар хизматлари, жамоат бирлашмаларининг асосий вазифаси сифатида белгилаш. Уларнинг фаолияти самарадорлигини аҳолининг иш билан таъминланганлиги даражасига қараб баҳолашни йўлга қўйиш.

3.Амалдаги қонунчиликка Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар

томонидан битта иш жойининг тармоқлар, ҳудудлар бўйича ўртача стандарт қийматини ҳар йили, инфляция даражаси ҳисобга олиб ўрнатиш, бу белгиланган қийматдан камроқ маблағ сарфлаб кўпроқ иш жойлари яратган корхоналарни рағбатлантириш ҳамда Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига янги иш жойлари яратишни танлов асосида амалга оширишни кўзда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш таклифини тайёрлаш.

4.Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши тўғрисидаги Низомга бу жамғармага тўловлардан озод қилинган корхоналар рўйхатини янада кенгайтириш, бундай имтиёз бериладиган корхоналар зиммасига имтиёз туфайли ўзларида қоладиган пул воситаларини айнан иш жойлари яратишга сарфлашни кўзда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни таклиф этиш.

5.Вилоят Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг меҳнат бозорида аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солишга қаратилган ҳудудий дастурларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича фаолликлари ва ташаббускорликларини кучайтириш.

6. Вилоят туман ва шаҳарлари Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолияти ҳамда давлат жамғармаларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ва баҳолашнинг биз томондан ишлаб чиқилган услугини қўллаш асосида уларнинг қўшимча иш жойлари яратиш, меҳнатга лаёқатли аҳолини, айниқса ижтимоий жиҳатдан ноҷорлар(ногиронлар, кексалар, ёшлар, аёллар)ни иш билан кафолатли таъминлаш бўйича фаолликларини кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси .-Т.: Ўзбекистон. 2008. -9 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги бўйича меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Ўзбекистон. 2010. – 30 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. [www.pravo.uz](http://www.pravo.uz)
4. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 510-ХII-сон Қонуни (янги таҳрирдаги 1998 йил 1 майдаги 616-I-сон Қонуни {1998 йил ва 2006, 2015 йиллардаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан}) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси.1992. 1-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 5-6-сонлар. 97-модда; 1999. 1-сон. 20-модда; 5-сон. 124-модда; 2006, 2015 йиллар.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. 23-24-сонлар .
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами,2006,1-сон,1-модда.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартағи “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сон қарори. [www.pravo.uz](http://www.pravo.uz)

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. [www.pravo.uz](http://www.pravo.uz)
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралдаги “Ёшлил йили” давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-805-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами.2008.10-11-сонлар. -56-63 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони. “Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 25 октябр.

## **II.Ўзбекистон Республикаси Президенти асалари ва маърузалари**

16. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон овози. 2016 йил 16 январ.
16. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир” илмий оммабоп рисола. Тошкент. 2016 йил.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat. I том. –Т.: Ўзбекистон. 1996. -262 б.
17. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳукуқ ва эркинликлари – энг олий қадрият. ”Халқ сўзи” газетаси. 2005 йил 8 декабрь.

18. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. –Т.: Ўзбекистон. 2006. – 12 б.
19. Каримов И.А.Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. “Халқ сўзи” газетаси. 2006 йил 8 декабрь.
20. Каримов И.А.Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш,халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. “Халқ сўзи” газетаси. 2007 йил 13 февраль.
21. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон. 2007. -51 б.
22. Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир.-Т.: Ўзбекистон. 2007. -33 б.
23. Каримов И.А.Асосий мақсадимиз-юртимида эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир.”Халқ сўзи” газетаси, 2007 йил 8 декабрь.
24. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: Маънавият. 2008 - 68 б.
25. Каримов И.А.“Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
- 26.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
27. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. – Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

28. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

29. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза). “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220).

30. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди”. 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2011 йил 24 январь.

### **III.Китоблар ва монографиялар**

31. Абдуллаев А.М., Абдурахманов О.К., Зокирова Н.К. Прогнозирование и моделирование национальной экономики: Учебник. –Т.:Фан ва технология. 2007. – с.458.
32. Абдураҳимов М. Ўзбекча-русча афоризмлар луғати. –Т.: Ўқитувчи. 1986. –62 б.
33. Абдурахманов К.Х., Абдуллаев А.М., Дадабаев Ш.Х. Региональная экономика и управление. –Т.: Фан ва технология. 2007. –с.234.
34. Абдураҳмонов Қ.Х., Имомов В.А. Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш. –Т.: Академия. 2008. – 84 б.

35. Абдурахманов К.Х., Шарифуллина Т.А. Экономика и социология труда: Учебное пособие. –М.: Российская экономическая академия. 2002. – с.61-62.
36. Абдураҳмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Шоюсупова Н.Т., Тоҳирова Х.Т., Бакиева И.Т.Меҳнат иқтисодиёти: Дарслик. –Т.:Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси. 2005. -43 б.
37. Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среднего бизнеса. –Т.: Международная финансовая корпорация. 2003. – с.15-16.
38. Зокирова Н.К. Социально-трудовые отношения: международный и национальный аспекты. – Т.: Фан. 2008. –с. 90.
39. Инсон тараққиёти тўғрисида маъзуза: Ўзбекистон – 2005. –Т.: Иқтисодий тадқиқотлар маркази. 2006. – 44-45, 75 б.
40. Кейнс Д.М. Общая теория занятости, процента и денег/ Пер. с англ. – Петрозаводск. Петроком. 1993. –с. 70.
41. Костин Л.А. Международная Организация Труда. –М.: Экзамен. 2002. – с.170.
42. Никифорова А.А. Рынок труда: занятость и безработица.- М.:Международные отношения. 1991.- с.12.
43. Маслова Н.С. Эффективная занятость и рынок рабочей силы. М.: Наука. 1992. - с.10.
44. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси: Дарслик. -Т.: Ўқитувчи. 2001. – 97 б.
45. Региональная экономика: Учебник/ Под ред.Видяпина В.Н. –М.: 2002. –с. 134.
46. Региональная экономика: Учебник/Под ред.Степанова В.М. –М.: ИНФРА.2001. – с. 165.
47. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Учебное пособие. –М.: Экзамен. 2004. –с.79.

48. Руденко Г.Г., Муртазаев Б.Ч . Формирование рынков труда: Учебное пособие /Под.ред.проф.Одегова Ю.Г. – М.: Экзамен. 2004. - с.89.
- 49.Умурзоқов Б.Х., Раҳимов Н.Х. Меҳнат муносабатлари ва менежмент. –Т.: Ўзбекистон. 2005. – 67 б.
50. Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти :Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ. 2004.-10 б.
51. Чепель С.В., Шибаршова Л.И., Фаттахова Ж.А. Макроэкономика: ситуационные примеры экономического развития Республики Узбекистан: Учебное пособие. –М.:Российская экономическая академия им. Г.В.Плеханова. 2007. -25.
52. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие. –М.: ВЗФЭИ. 2004. – с.126.
53. Экономика и право: Учебное пособие. –Т.: Филиал РЭА в г. Ташкенте. 2006. –с55.
54. Экономика труда. Учебник /Под ред.проф.Шлендера П.Э. и проф. Кокина Ю.П. –М.: Юрист. 2003. - с. 88-89,101.
55. Экономика труда: социально-трудовые отношения: Учебник/ Под общ.ред. проф. Волгина Н.А. и Одегова Ю.Г. –М.: Экзамен. –с.171.
56. Фуломов С.С.Тадбиркорлик ва кичик бизнес.-Т.:”Шарқ”, 2002. -11-12 б.

#### **IV. Журналлардаги мақолаларга ҳавола**

57. Байзакова Д., Арифджанова С. Экономический рост и оплата труда// -Т.: Ж. Экономическое обозрение. 2007. № 7. –с.20-21.
58. Зокиров К. Иш жойларини яратиш ва сақлашнинг худудий механизми// - Т.: Ж. Бозор, пул ва кредит. 2007. 1-сон. – 44-45 б.
59. Зокиров К.Ж. Рынок труда: взгляд на проблему// -М.: Ж. Экономика и финансы. 2008. № 2. – с.19.
60. Зокиров К. Ҳудудий меҳнат бозорларини ривожлантириш омиллари// -Т.: Ж. Бозор, пул ва кредит. 2008. 4-сон. – 43 б.

61. Минаварова Г. Иш кучи бозорини шакллантириш// -Т.: Ж. Жамият ва бошқарув. 2007. 3-сон. – 110 б.
62. Салаев С. Касаначилик фаолиятини рағбатлантириш// –Т.: Ж. Жамият ва бошқарув. 2008. 2-сон. -96 б.
63. Турсунов Ш. Мехнат ресурсларини шакллантиришнинг минтақавий хусусиятлари// -Т.: Ж. Жамият ва бошқарув. 2008. 1-сон. -124 б.
64. Ҳасanova Р., Исақулова М. Аграр секторда тадбиркорлик// -Т.: Ж. Бозор, пул ва кредит. 2007. 12-сон. – 62 б.

### **VIII. Интернет сай tlari**

69. [www.mintrud.uz](http://www.mintrud.uz) - официальный сайт Министерства труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан.
70. [www.pravo.uz](http://www.pravo.uz) –Законодательство Республики Узбекистан.
71. [www.dp.uz](http://www.dp.uz). – Деловой партнер – Бизнес новости и аналитика Узбекистана
72. [www.businesspravo.uz](http://www.businesspravo.uz) –Экономическое законодательство Республики Узбекистан .
73. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - –официальный сайт Госкомстата Республики Узбекистан.
74. [www.mehnat.uz](http://www.mehnat.uz) –ЎзР Мехнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Вазирлиги сайти

### **IX. Статистик материаллар**

75. Сирдарё вилояти йиллик статистик тўплами. 2009-2013 йиллар. Гулистон-2014.

## МУНДАРИЖА

	Кириш	3
1. БОБ	МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ МАЗМУНИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	
1.1.	Меҳнат бозори ижтимоий-иктисодий категория сифатида	9
1.2.	Меҳнат бозорини шаклланиши ва амал қилишининг асосий хусусиятлари	16
1.3.	Аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсатини амалга оширишнинг иқтисодий-методологик муаммолари	33
2.БОБ	СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
2.1.	Иш жойларини яратиш ва ривожлантиришнинг ҳудудий механизмини яратиш	44
2.2.	Аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни такомиллаштириш	52
2.3.	Сирдарё вилоятида аҳолини иш билан таъминлашни бошқаришни такомиллаштириш	62
	Хулоса ва тавсиялар.	68
	Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати.	71
	Иловалар	